

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

**ҚОБИЛОВ КАМОЛИДДИН ЭШБОЛТАЕВИЧ
БУХОРО АМИРЛИГИДА САВДО МУНОСАБАТЛАРИ**

Мутахассислик: 5А220201 Ватан тарихи

Тарих фанлари магистри академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўрилди ва ҳимоя

қилишга рухсат берилди

Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири:

т.ф.д. .Шайдуллаев.

Илмий раҳбар:

т.ф.н. А. Тўхтаев.

Термиз–2012

МУНДАРИЖА

Кириш.....3–18

I Боб. ХУ111-XX аср бошларида Бухоро амирлигида ички савдо муносабатлари.

1.1 Савдо йўллари ва карвонсаройлар.....19 -43

1.2 Бухоро амирлигида ички савдо алоқалари.....43 -55

II.Боб. Бухоро амирлигининг Россия ва Шарқ давлатлари билан Иқтисодий ва савдо алоқаларининг муҳим жиҳатлари.

II.1 Бухоро ва Россия давлатларининг иқтисодий ва савдо алоқалари тарихидан.....56 -69

II.2 Бухоро хонлигининг Шарқ давлатлари билан савдо алоқаларининг ўзига хос жиҳатлари.....70 -78

Х У Л О С А.....79 -86

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар.....87 -101

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги: Мустақиллик туфайли ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихи, илмий, маданий ва маънавий меросини ўрганиш, ундан халқнинг бебаҳо мулки сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди. Айнан ушбу маънавий ва мафкуравий асосни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришда тарих фани алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “...тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аجدодларимизнинг ишлари ва жасорати тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фукоролик онгини шакллантирмоқда”¹.

Президентимиз тарихий хотира тўғрисида фикрини давом эттирар экан, “Тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча мувафакқият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва истироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади”, -дея ҳақли равишда қайт этган².

Бугунги замон эскича фикрлашга барҳам бериш, тарихий воқеалар ва жараёнларни баҳолашда миллий манфаатлардан келиб чиқиш зарурлигини талаб қилмоқда. Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихини умумжаҳон тараққиёти нуқтаи назаридан, аниқ тарихий фактларга таяниб, холис ва илмий асосда тадқиқ этиб, халққа етказиш зарурияти пайдо бўлди. Президент И.А.Каримовнинг 1998 йил 26 июнида бир гуруҳ тарихчилар ва журналистлар билан бўлган учрашувида республика тарихчилари олдига айнан шундай вазифа қўйилди. Ушбу масала 1998 йил июлида қабул қилинган “Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорида ҳам ўз ифодасини топган.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 6-жилд.—Тошкент:Ўзбекистон,1998.—Б.127.

² Karimov I. A. Yuksak manaviyat – yengilmas kuch.—Toshkent: Manaviyat, 2008.—B 97.

Унда хусусан, ўзбек халқи ва унинг давлатчилигининг ҳаққоний тарихини, шунингдек, “энг қадимдан ҳозирга қадар давлатчилик тарихий босқичларида худудимизда яшаган халқларнинг сиёсий ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаёти масалаларини ўрганиш лозимлиги қайт этилган. Маълумки савдо Ўзбекистонда қадимдан шаклланиб ривожланган ҳамма давлатлар иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутган. Бу жараёнга ижобий таъсир этган омил сифатида Ўрта Осиё худудидан Буюк ипак йўлининг ўтганлигини кўрсатиш мумкин. Шарқ ва Ғарбни боғлаган бу йўл фаолияти Ўрта Осиё мамлакатларининг ички ва ташқи савдо алоқалари ривожига ижобий таъсир кўрсатган ҳамда иқтисодий муносабатлар туфайли турли минтақалар ҳақидаги маълумотларнинг тўпланиши ва алмашинуви рўй берган. Буни Буюк Ипак йўлининг қадим трассаларида жойлашган давлатлардан бири Бухоро хонлиги мисолида яққол кўрсатиш мумкин.

Бухоро хонлиги Ўрта Осиё сиёсий воқелигида муҳим ўринга эга бўлган давлатдир. Шунингдек, алоҳида таъкидлаш жоизки, хонлик тарихининг турли масалалари бўйича амалга оширилган тадқиқотларда муаммонинг айрим жиҳатларига, жумладан, унинг Россия билан савдо - сотиқ алоқаларига тўхталинсада, хонликнинг савдо муносабатларининг характерли хусусиятлари, хусусан, унинг қўшни давлатлар, хусусан Узоқ Шарқ мамлакатлари билан савдоси тўлиқ тадқиқ этилмаган. Шунингдек, хонликда ички ва ташқи савдонинг аҳволи, унинг ўзига хос хусусиятлари, бозорлар, карвонсаройлар фаолияти, бож ва пул тизими, олди-сотти муносабатлари, унда турли этнослар иштироқи масалалари узининг тўлиқ аксини топган. Шу жиҳатдан ушбу масалаларни тизимли ўрганиш, масаланинг бугунги кунга дахлдор илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг даврий чегараси. Тадқиқот учун даврий чегара сифатида XVIII аср бошларидан то XX аср бошларига қадар давр олинди.

Муоммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавзу тарихшунослигига оид

адабиётларни шартли равишда куйудаги гурухларга ажратиш мувофиқдир: 1. Россия империяси ҳукумронлиги даврида чоп этилган адабиётлар. 2. Совет ҳукумронлиги даврида чоп этилган адабиётлар. 3. Муस्ताкиллик даврида нашр этилган адабиётлар, амалга оширилган тадқиқотлар. 4. Бухоро хонлиги тарихининг айрим масалаларини ўзида акс эттирган хорижлик муаллифларнинг асарлари.

Биринчи гурухга мансуб адабиётларнинг муаллифлари асосан россиялик олимлар, харбийлар, сайёҳ ва элчилар ҳисобланиб, улар XIX аср ўрталаридан бошлаб Ўрта Осиё, хусусан, Бухоро хонлигини атрофлича ўрганишга ҳаракат қилганлар.¹ Уларнинг асарларида асосий эътибор Бухоро хонлигининг умумий тавсифига қаратилиб, хонликдаги савдо муносабатларининг айрим жиҳатларига ойдинлик киритувчи баъзи маълумотлар қайд этилган. Жумладан, уларда XIX асрда хонликдаги сиёсий, ижтимои-иқтисодий ҳаёт, мамлакатдаги бозор ва қарвонсаройлар фаолияти, олди-сотди жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, бож ва пул тизими, хонлик аҳолиси таркиби, давлатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида турли этносларнинг иштирокига оид айрим қимматли маълумотлар ўз аксини топган.

Хусусан аср 50-йилларига оид бўлган П.И.Небольсин асарларида Ўрта Осиё, хусусан, Бухоро хонлигининг ички ва ташқи савдо алоқалари, пул тизими ҳамда савдо алоқаларининг муҳим ўрин тутган қарвон йуллари ҳақида баъзи маълумотлар берилган.

¹ Небольсин П. И. Очерки торговли России с Средней Азией / Зап. РГО. Кн. X. - СПб., 1855 - С. 1-355; Ўша муаллиф Следование караванов из Бухары в Россию и обратно (Очерки торговли России со странами Средней Азии, Хивой, Бухарой и Кокандом). - СПб., 1856. -376 с; Борнс А. Путешествие в Бухару. Ч. I-II. - Москва, 1848-1849; Вамбери А. Путешествие в Средней Азии - СПб., 1865. -348 с; Веселовский Н. И. Приём в России и отпуск среднеазиатских послов в XVII и XVIII столетиях. - СПб., 1884. -40 с; Грулев М. В. Аму-дарья. - Ташкент, 1900. -92 с; Губаревич-Радобильский А. Экономический очерк Бухары и Туниса. - СПб., 1905. -372 с; Костенко Л. Ф. Путешествие в Бухару русской миссии в 1870 г. - СПб., 1871. -313 с; Логофет Д. И. Страна бесправная. - СПб., 1909. -239 с уша муаллиф. Бухарское ханство под русским протекторатом. Т. 1-11. - СПб., 1911. -218 с, 340 с.; Маев Н. Очерки Бухарского ханства. Т. У. - СПб., 1879. -400 с; уша муаллиф. Реконгносцировка горных путей в Бухарском ханстве. - СПб., 1879. -С. 87-99; Мейендорф Е. К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. - Москва: Наука, 1975. -182 с; Семёнов-Тянь-Шанский В. П. Россия. Полное геогр. Описание. Т. 19. Туркестанский край. - СПб., 1913. -860 с; Тереньтев М. А. Англия и Россия в борьбе за рынки. - СПб., 1876; уша муаллиф. История завоевания Средней Азии с картами и планами. Т. 1. - СПб., 1876. -576 с; Ханьков Н. Описание Бухарского ханства. - СПб., 1843. -279 с; Яворский И. Л. Путешествие русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1876-1879 гг. Т. 1. - СПб., 1882. -387 с.

Бухоро хонлигида савдо муносабатлари тарихини ёритишда, Д. И. Логофетнинг «Страна бесправия», «Бухарское ханство под русским протекторатом», «В горах и на равнинах Бухары», «Орошение Термеза», «Хлебная торговля и запасы Восточной Бухары», «В забытой стране. Путевые очерки по Средней Азии», «Почтовотелеграфные участки в Бухарских владениях» номли асарлари муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

Д. Н. Логофетнинг «Страна бесправия» (1909) асарида Бухоронинг жанубий чегарасидаги сиёсий ўрни, Шарқий Бухоро аҳолиси, бекликларнинг иқтисодий-сиёсий аҳамияти, Термиз – Шеробод почта-телеграф йўлининг очилиши, ҳарбий қисмларнинг жойлашиши каби масалалар ёритилган.³ Унинг «В забытой стране. Путевые очерки по Средней Азии» асарида Сурхон воҳаси, унинг аҳолиси, иқлими, ҳарбий аҳоли ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган.⁴ «Бухарское ханство под русским протекторатом» номли асарида эса Туркистон генерал-губернаторлигининг Бухоро амирлиги билан муносабати, Шарқий Бухородаги чегара истехкомлари ва бошқа масалалар изоҳланган.⁵

Бухоро амирлигининг XVIII аср – XX аср бошидаги чегараси, аҳолиси, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилиги, сиёсий тизими, ички ва ташқи савдосига оид баъзи бир чалқашликлар бўлса-да, шарқшунос Н. Ханыковнинг тадқиқотларида ҳам ёритилган.

1805 йили Россия томонидан Бухоро амирлигининг жанубий ҳудудларини ҳарбий-сиёсий жиҳатдан ўрганиш мақсадида Н. А. Маев бошчилигида топограф Вишнеvский, таржимон Казбеков, сураткаш Кривцов, табиатшунос Ф. Ф. Шварц,

³ Логофет Д.Н. Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние. – СПб., 1909. – 239 с.

⁴ Логофет Д.Н. В забытой стране. Путевые очерки по Средней Азии. – М., 1912. –180 с.

⁵ Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Т.1. – СПб., 1911. – 218 с; Керсатилган асар. Т.11. – СПб., 1911. – 340 с.

Казаков ва Вайнберглардан иборат махсус экспедиция тузилади. Н. А. Маев воҳа табиати, тарихи, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, уларнинг турмуш тарзи ҳақида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган. Хусусан, Н. А. Маевнинг «Географический очерк Гиссарского края и Кулябского бекства», «Очерки горных бекств Бухарского ханства», «Долина Сурхана», «Реконгносцировка горных путей в Бухарском ханстве», «Очерки Бухарского ханства. Материалы для статистики Туркестанского края» каби асарларида воҳа шаҳар ва қишлоқлари, аҳоли машғулоти, суғориш тизими, савдо йўллари ҳамда воҳа, қишлоқ ва шаҳар оралиқ масофалари каби масалалар ёритилган.⁶

XVIII – XX аср бошларида рус тилида ёзилган Н. Веселовский, М. Венюков, А. Семенов, Н. Павлов, М. Терентьев, В. Наливкин ва бошқаларнинг ишларида амирликнинг сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаёти, унинг халқаро алоқалари ҳақидаги маълумотлар ҳам берилган.⁷ Юқорида номлари келтирилган муаллифлар ичида ҳарбийлар, сайёҳ ва географлар, маҳаллий маъмурлар ҳамда олимларни кўриш мумкин. Уларнинг китоблари Ўрта Осиё хонликлари тарихининг турли қирралари ва масалаларини ўрганиш бўйича бой маълумотлар беради. Россия империясининг хонликларга нисбатан олиб борган сиёсати, ҳарбий ҳаракатлари, босқин ва унинг оқибатлари каби масалалар кенг ёритилган. Тарихий ҳақиқат гувоҳлик берадики,

⁶ Маев Н. Географический очерк Гиссарского края и Кулябского бекства // Известия ИРГО. Т. XII. – Ташкент, 1876. – С. 1 – 15; Очерки горных бекств Бухарского ханства // Туркестанские ведомости. 1878. №49. 12 декабрь. – С. 194 – 195; №51. 28 декабрь. – С. 202 – 203; Долина Сурхана // Туркестанские ведомости. 1879. №36; Реконгносцировка горных путей в Бухарском ханстве // Известия ИРГО. Т. XV. – СПб., 1879. – С. 87 – 99; Очерки Бухарского ханства // Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. V. – СПб., 1879. – 400 с.

⁷ Веселовский Н.И. Приём в России и отпуск Среднеазиатских послов в XVII и XVIII столетиях. – СПб., 1884. – 40 с; Венюков М.Н. Поступательное движение России в Средней Азии // Сборник государственных знаний. Т. 111. – СПб., 1877. – С. 117 – 118; Семёнов А. По границам Бухары и Афганистан // Туркестанский сборник. Т. 554. – С. 1 – 14; Павлов Н.Г. История Туркестана в связи с кратким историческим очерком с определённых стран. – Ташкент, 1910. – 172 с; Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии с картами и планами. Т. 1. – СПб., 906. – 576 с; Наливкин В.П. Положение вакфного дела в Туркестанском крае до и после его завоевания // Ежегодник Ферганской области. Т. 111. – Новый Маргелан, 1904. – С. 11 – 15.

мустамлакачилар қарам халқнинг ўтмишини камситиш, ўзларининг илмий-маданий жихатдан устун

Айниқса, ҳарбий муҳандис А. Ананьев тадқиқотларида⁸ Шеробод воҳаси ерларини Сурхондарё сувлари ёрдамида суғориш, ҳарбий нуқтаи назардан Термизда жойлашган отрядларнинг стратегик ҳолатини яхшилаш, иқтисодий томондан Россияда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш учун муҳим бозор яратиш, рус бозорининг миллион пуддан зиёд пахта толасига эга бўлиши ҳақида муҳим ҳисобот материалларини тақдим этади. Шеробод беклиги аҳолиси, қишлоқ номлари, уларнинг сони, хўжалиги, суғориш тизими ҳақида қимматли маълумотлар келтиради.

Р. Ю. Рожевицанинг «Поездка в Южную и Среднюю Бухару в 1906 г. » асарида Самарқанд – Термиз катта йўл тракти, воҳа қишлоқлари, Термиз шаҳрининг суғориш тизими каби маълумотлар берилган⁹, А. Борнс, А. Вамбери, Шубинский, П. Губаревич-Радобельский, Л. Н. Соболев, Э. Реклю, М. В. Грулев, Н. А. Бендеринский асарларида ҳам хўжалик тарихига оид манбалар қайд этилган. Мазкур асарларда Амударё сув йўли ва унинг воҳа иқтисодидаги ўрни, ҳарбий қўшинларни жойлаштириш ҳолати каби масалалар ўз аксини топган.¹⁰

⁸ Ананьев А.Г. Шерабадская долина. – СПб., 1914. – 87 с; Ёша муаллиф. Орошение Шерабадской долины водами реки Сурхана. – Ташкент, 1911. – 56 с; Шеробод воҳаси ерларини Сурхон сувлари ёрдамида суғориш лойиҳаси. – Тошкент: Шарі, 2002. – 32 б.

⁹ Рожевица Р.Ю. Поездка в Южную и Среднюю Бухару в 1906 г. // Известия ИРГО. Т.54. – СПб., 1908. – С.593 – 653.

¹⁰ Борнс А. Путешествие в Бухару. Ч.1. – М., 1848. – 528 с; ўша муаллиф. Путешествие в Бухару. Ч.2. – М., 1849. – 628 с; Вамбери А. Путешествие в Средней Азии. – СПб., 1865. – 348с; Шубинский П. Очерки Бухары // Исторический вестник. – СПб., 1892. №8. – С.370 – 390; Губаревич-Радобельский А. Экономический очерк Бухары и Туниса. – СПб., 1905. – 372 с; Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зерафшанском округе. С приложением списка населенных мест округа // Записки императорского русского географического общества по отделению статистики. Т.IV. – СПб., 1874. – 404 с; Реклю Элизе. Земля и люди. [Всеобщая география Азиатской Россия и Среднеазиатских ханств](#). Кн.VI. – СПб., 1883. – 700 с; Грулев М.В. Аму-дарья. – Ташкент, 1900. – 92 с; Ёша муаллиф. Некоторые географико-статистические данные, относящиеся к участкам Аму-Дарьи между Чорджуем и Патта-Киссаром // Известия Туркестанского отдела русского географического общества. Т.11. – СПб., 1900. – С.5 – 87; Бендерский Н.А. О Гиссарском крае // Известия Туркестанского отдела РГО. Т.VII. – Ташкент, 1907. – С.140 – 160.

Семёнов-Тянь-Шанский томонидан нашр қилинган «Туркестанский край» тўпламида ҳам воҳа дарёлари, пароходчилик, савдо-сотик ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.¹¹ Бухоро амирлиги иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, аҳолиси, ишлаб чиқариш ҳамда машғулоти, меҳнат қуроли, чорвачилиги, ҳунармандчилиги, алоқа йўллари, темир йўл, савдо-сотик ҳақида ҳам анча кенг тўхталган.

Таъкидлаш жоизки, амирликнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий тарихини чуқур ўрганишда А. Бернс, Л. Ф. Костенко, Л. Н. Соболев, Н. А. Маев, А. Снесаров ва бошқа рус шарқшунослари асарлари муҳим манба вазифасини ўтайди.¹²

Ўрта Осиё хонликларининг XIX асрнинг 70-йилларидаги сиёсий ва иқтисодий ҳаёти, савдо алоқаларини ўрганган М.А.Терентьев минтақада Англия - Россия рақобати, инглиз ва рус молларининг бу ҳудудларга олиб келиниш йўналишлари, маҳаллий бозорларда юқоридаги давлатлардан келтирилган маҳсулотлар нархлари ҳамда уларга бўлган талабни ўзаро солиштиришлар асосида маълумотлар келтирилган.²Биринчи гуруҳни ташкил этувчи Бухоро хонлиги тарихига оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, уларда асосан турли ижтимоий гуруҳларга мансуб муаллифлар томонидан кузатилган тарихий воқеълик акс эттирилган бўлиб, бу асарлар тавсифий, информатив характерга эга эканлиги, мамлакатдаги савдо

¹¹ Семенов-Тянь-Шанский В.П. Россия. Полное географическое описание. Т. XIX. Туркестанский край. – СПб., 1913. – 860 с.

¹² Борнс. А. Путешествие в Бухару. Ч. I. – М., 1848. – 528 с; Путешествие в Бухару. Ч. II. – М., 1849. – 628 с; Костенко Л.Ф. Путешествие в Бухару с русской миссией в 1870 году. – СПб., 1871. – 107 с; Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зерафшанском округе. С приложением списка населенных мест округа // Записки императорского русского географического общества по отделению статистики. Т. IV. – СПб., 1874. – 404 с; Маев Н.А. Очерки горных Бухарского ханства // Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. V. – СПб., 1879. – 400 с; Снесарев А. Восточная Бухара. – СПб., 1905. – 283 с.

² Валиханов Ч. Ч. О состоянии Алтышара или шести восточных городов китайской провинции в 1858-1859 годах / Собрание сочинений. В 5-томах. - Алма-Ата, Т. III. 1985. - С. 97-222; Ўша муаллиф. Описание нескольких монет улуса чагатай, Хивн и Коканда/ Собрание сочинений. В 5-томах. - Алма-Ата, Т V 1985. - С. 104-113.

муносабатларини таҳлил этишга бағишланган махсус тадқиқотлар яратилмаганлигини қайд этишга имкон беради.

Бухоро хонлиги тарихига доир **иккинчи гуруҳ** адабиётларини **совет** даврида яратилган асар ва тадқиқотлар ташкил қилади. Бу давр тадқиқотлари орасидан А. Аминов, А. Бобоҳўжаев, Е. Бунаков, Х. Иноятов, Н. Халфин, Ҳ. Зиёев¹³ ишлари самарали ўрганилди. Уларда XIX асрда Бухоро амирлигининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий тарихини ўрганиш мақсад қилиб қўйилмаган эсада, мавзунинг айрим масалалари бўйича маълумотлар учрайди. XVIII – XIX асрларда Бухоро хонлигида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, хусусан сиёсий бошқарув, солиқ сиёсати, деҳқончилиги, пахтачилик истиқболлари, сув йўли, савдо-сотик каби масалалар куйидаги асарларда ўз аксини топган.¹⁴

И. А. Ремез, К. А. Щейко, К. З. Ҳақимова, Л. Н. Кравец, А. Я. Соколов, М. А. Бобоҳўжаев тадқиқотларида Бухоро амирлиги ички ва ташқи савдо, кишлок

¹³ Аминов А.М. Экономическое развитие Средней Азии (со второй половины XIX столетия до первой мировой войны). – Ташкент., 1959. – 298 с; Аминов А.М., Бабаходжаев А.Х. Экономические и политические последствия присоединения Средней Азии к России. – Ташкент: Узбекистан, 1966. – 210 с; Банаков Е.В. К истории отношений России со среднеазиатскими ханствами в XIX в // Советское востоковедение. – М., 1941. Вып.2. – С.24 – 26; Иноятов Х. Очерки по истории Средней Азии XVII – середина XIX вв. – М.: Восточная литература, 1958. – 247 с; Хальфин Н.А. Россия и ханства Средней Азии. – М.: Наука, 1974. – 406 с; ўша муаллиф. Россия и Бухарский эмират на Западном Памире (конец XIX – начало XX вв). – М.: Восточная литература, 1960. – 127 с; ўша муаллиф. Политика России в Средней Азии (1857 – 1867). – М.: Восточная литература, 1960. – 272 с; Зиёев Ҳ. Ўрта Осиё ва Сибирь (XVI – XIX асрлар). – Тошкент: Фан, 1962. – 164 б; Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 478 б; Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида. – Тошкент: Шарқ, 2006. – 352 б.

¹⁴ Искандаров Б.И. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX века. Ч.І. – Душанбе, 1962. – 355 с; Ёша муаллиф. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX века. Ч.ІІ. – Душанбе, 1963. – 351 с; О некоторых изменениях в экономике восточной Бухаре на рубеже XIX – XX вв. – Сталинабад, 1958. – 141 с; Ёша муаллиф. Из истории Бухарского эмирата (Восточная Бухара и Западный Памир в конце XIX в.). – М.: Восточная литература, 1958. – 232 с; ўша муаллиф. Бухара (1918 – 1920). – Душанбе: Дониш. 1970. – 171 с; Кармышева Б.Х. О торговле в восточных бекствах Бухарского ханства в начале XX в. в связи с хозяйственной специализацией // Товарно-денежные отношения в Ближнем и Среднем Востоке в эпоху средневековья. – М.: Наука, 1979. – С.114 – 133; Кастальский Б.И. Историко-географический образ Сурханской и Ширабадской долины // Вестник ирригации. – Ташкент, 1930. – С.24 – 30; Маджлисов А. Аграрные отношения в восточной Бухаре в XIX – начале XX вв. – Душанбе-Алма-Ата: Ирфон, 1967. – 337 с; Мирзаев К.М. Амляковая форма феодальной-земельной собственности в Бухарском ханстве. – Ташкент: Наука, 1954. – 104 с.

хўжалиги, чорва моллари сотиладиган бозорлар, божхона тизими ва бож тўловлари масалалари ҳақида маълумотлар таҳлил этилган.¹⁵

Чоризмнинг ва шўро ҳукуматининг Бухоро амирлигида олиб борган мустамлакачилик сиёсати, рус ҳарбий қисмларининг ўрнашиши, божхона тизими, Когон – Термиз темир йўлининг қурилиши, пахта монокультурасининг шаклланиши каби масалалар З. К. Ахмеджанова, А. Аминов, А. Бабаходжаев, А. П. Демидов, А. Ишонов, Б. Гафуров, Н. Н. Прохоров, О. А. Сухарева, Т. Г. Тўхтаматов, В. Козловский, А. Р. Муҳаммаджонов, Т. Н. Нетьматов, Х. Холиёров каби олимларнинг илмий тадқиқотлари ва монографияларида баён этилган.¹⁶ XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлиги тарихини ўрганишда совет даврида олиб борилган тадқиқотлар муҳим манба ҳисобланади. Совет мафкураси асосида ёзилган асарлар бир ёқлама характердалигини инобатга олган ҳолда тадқиқот жараёнида ушбу манбалардан ўринли фойдаланилди.

Учинчи гуруҳни мустақиллик даврида яратилган Бухоро амирлиги тарихига оид туркум адабиётлар ташкил этади, хонликнинг XIX асрдаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳволи, маданий ҳаётининг маълум жиҳатларини илмий ҳолислик, тарихийлик нуқтаи назаридан тадқиқ этаётган олимлардан Ҳ. Зиёев, Ў. Аҳмаджонов, Ҳ.

¹⁵ Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. – Ташкент: Издательство ЦСУ Туркеспублики, 1922. – 132 с; Щейко К.А. Из истории присоединения Термеза к России // Краеведение Сурхандарьи. – Ташкент: Узбекистан, 1989. – С.117 – 140; Хакимова К.З., Кравец Л.Н. Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1980. – 175 с; Соколов А.Я. Торговая политика России в Средней Азии и развития русско-афганских торговых отношений. – Ташкент: Фан, 1971. – 172 с; Бабаходжаев М.А. Очерки социально-экономической и политической истории Афганистана. – Ташкент: Фан, 1975. – 195 с; ўша муаллиф. Русско-афганские торгово-экономические отношения во второй половине XVIII – начале XX в. – Ташкент: Фан, 1965. – 132 с.

¹⁶ Ахмеджанова З.К. К истории строительства железных дорог в Средней Азии (1880 – 1917). – Ташкент: Наука, 1965. – 214 с; ўша муаллиф. К истории строительства Бухарской железной дороги (1914 – 1916) // Общественные науки в Узбекистане. 1962. №4. – С.29 – 38; Аминов А.М., Бабаходжаев А. Экономические и политические последствия присоединения Средней Азии к России. – Ташкент: Узбекистан, 1966. – 210 с; Демидов А.П. Экономический очерк хлопководства, хлопкоторговли и хлопковой промышленности Туркестана. – М., 1922. – 249 с; Ишанов А. Создание Бухарской Народной Советской Республики. – Ташкент, 1955. – 178 с; Гофуров Р., Прохоров Н.Н. Падение Бухарского эмирата. – Сталинабад: Госиздат Таджикистана, 1940. – 257 с; Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара конце XIX – начале XX вв. Ремесленная промышленность. – Ташкент, 1962. – 193 с; ўша муаллиф. К истории городов Бухарского ханства. – Ташкент, 1958. – 173 с; Тухтаматов Т.Г. Россия и Бухарский эмират в начале XX в. – Душанбе: Ирфон, 1977. – 208 с; ўша муаллиф. Русско-Бухарское отношения в конце XIX – начале XX в. – Ташкент: Фан, 1966. – 177 с; Козловский В.А. Термиз шаҳрининг тарихи. – Тошкент, 1959. – 32 б; Муҳаммаджонов А.Р., Нетьматов Т.Н. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. – Тошкент, 1957. – 223 б; Холиёров Х. ва бошқалар. Сурхондарё области. – Тошкент: Ўзбекистон, 1974. – 480 б; Халқлар дўстлиги байроғи остида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1974. – 126 б.

Ғуломов, Ҳ. Бобобеков, Ш. Воҳидов, Қ. Ражабов, Ф. Қосимов, К. З. Ҳақимова, Азамат Зиё, Д. Зиёева, Н. Абдурахимова, Ф. Эргашевларни¹⁷ таъкидлаш ўринли. Ҳ. Зиёев, Ҳ. Бобобеков, Ғ. Аҳмаджонов, Ш. Воҳидов, Қ. Ражабов тадқиқотлари мавзунини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Жумладан, Ҳ. Зиёев асарларида амирлик тарихининг концептуал масалалари ёритилган. Ҳ.З.Зиёев асарларида Ўрта Осиё давлатлари, хусусан, Бухоро амирлигининг Россия билан олиб борган сиёсий алоқалари ва Россия империяси томонидан Ўрта Осиёнинг истило қилинишини ёритиш билан бир қаторда бу икки ҳудуд ўртасидаги савдо алоқалари ҳақида муҳим маълумотлар учрайди². Г.А.Агзамова ўз тадқиқотларида Ўрта Осиё хонлиқларининг шаҳарлари ҳаёти ва аҳолисининг машғулоти, хунармандчилик ва савдонинг ҳолати, шунингдек, Россия савдо марказлари билан иқтисодий алоқалари, ҳудудларни ўзаро боғловчи йўллар ва уларнинг фаолиятида юз берган ўзгаришларни тарихий таққослаш орқали кўрсатиб беришга ҳаракат қилган³. Бухоро амирлиги савдо

¹⁷ Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия таъжовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш (XVIII – XX аср бошлари). – Тошкент: Шарқ, 1998. – 478 б.; ўша муаллиф. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи (миллоддан аввалги асрлардан то 1991 йил 31 августгача). – Тошкент: Шарқ, 2001; Аҳмаджонов Ғ.А. Россия империяси Марказий Осиёда. – Тошкент, 2003. – 270 б.; Воҳидов Ш.Ҳ. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар. – Тошкент, 1996. – 45 б.; ўша муаллиф. Марказий Осиё давлатларида бошқарув. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – 60 б.; Ражабов Қ. Муҳаммад Раҳимхон – мангитлар сулоласи асосчиси // Бухоро мавжлари. 2005. №3. – Б.36 – 37; ўша муаллиф. Муҳаммад Дониёлбий оталиқ: бийлик мансабидан амирлик рутбасигача // Бухоро мавжлари. 2005. №4. – Б.26 – 27; ўша муаллиф. Амир Шоҳмурод ёхуд Амири Маъсум (Турон тарихида унинг тутган ерни) // Бухоро мавжлари. 2006. №1; ўша муаллиф. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Муҳаммад Ҳақимбий оталиқ, Муҳаммад Раҳимхон, Амир Насруллох, Амир Музаффар, Амир Олимхон (6-жилд), Амир Шоҳмурод (10-жилд), Амир Ҳайдар (11-жилд); Қосимов Ф. Ўзбек давлатчилиги тарихида Бухоро ҳукмдорларининг ўрни // Тарих, мустақиллик, миллий ғоя. – Тошкент, 2001. – Б.192; ўша муаллиф. Халқаро муносабатлар тизимида Бухоро давлатининг ўрни (1900 – 1925) // Бухоро университети ахборотномаси. 2004. №2. – Б.55 – 59; Ҳақимова К.З. Крестьянство Бухарского эмирата в конце XIV – начале XX вв. – Ташкент: Фан, 1991. – 114 с.; Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 368 б.; Зиёева Д.Х. Туркистонда миллий озодлик ҳаракати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1999. – 87 б.; Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустақиллаштириши. – Тошкент: Академия, 2002. – 240 б.

² Зиёев Ҳ. З. Туркистонда Россия таъжовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. – Т; Шарқ, 1998, – 480 б.; ўша муаллиф. Тарих - ўтмиш ва келажак кўзгуси. – Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриети, 2000. – 288 б.

³ Агзамова Г. А. Среднеазиатские центры торговли и пути, связывавшие их с Россией (вторая половина XVI -первая половина XIX в.): Дисс... канд. ист. наук. -Т: Инс. Истории АН РУз, 1990. - 195 с, ўша муаллиф О караванныйх путях из Хивы в Оренбург // Общественине науки в Узбекистане. -Т, 1991. -№12. - С. 43-48; ўша муаллиф. К истории торговли Бухари XVI - первой половины XIX века // Общественине науки в Узбекистане. -Т., 1991. - №9,10,11. - С 56-63; ўша муаллиф. XVI - XIX асрнинг бириччи ярмида Ўзбекистон шаҳарлари ва шаҳарлар ҳаёти: Тарих фан. докт.. дисс. - Т.: ЎЗР ФА Тарих институти, 2000. - 348 в.

муносабатлари тарихи Холиқова Р,Қобилов Э.лар томонидан ёзилган монографияларда ҳам қисман бўлсада ёритилган.¹⁸

Мустакиллик даврида мавзуга оид яратилган асарлар. мақолалар ва диссертацияларда хонлик тарихининг айрим масалалари чуқур, кенг қамровли, маҳаллий ва бошқа тоифадаги манбалар маълумотлари асосида ёритилганлиги, сифат жиҳатидан олдинги даврларда яратилган тадқиқотлар-дан ажралиб туриши билан эътиборга лойиқдир. Бирок, уларда ўрганилган масалалар хонликдаги савдо муносабатларининг бирор-бир жиҳати билан ўзаро боғлиқликда тадқиқ этилмаган. Шунингдек , бу даврда ҳам Бухоро амирлигида савдо муносабатлари тарихига оид махсус асар яратилмаганлигини кайд этиш лозим .

Тўртинчи гуруҳ хорижий тиллардаги адабиётлар туркумини М. Холдсворт, Г. Мейендорф, Г. Бонвалот, Жорж Фредрик Райт, Ж. Кунит ва ҳ. к. тадқиқотчилар асарлари ташкил этади.¹⁹ Мазкур олимлар ишларида Бухоро амирлигининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихи, жумладан, давлат бошқаруви масалалари таҳлил қилинган. Айниқса, Англия ҳукуматининг Осиёга нисбатан олиб борган сиёсати натижасида инглиз тарихчилари Бухоро амирлиги тарихига тааллуқли воқеа-ҳодисаларни мунтазам ўрганганлар. Инглиз тадқиқотчиси Мэри Холдсворт Марказий Осиё тарихини ўрганиб, XIX асрда иккита асосий сабабларга кўра Бухоро, Қўқон ва Хоразм тарихини ўрганиш зарур деб ёзади. Биринчи сабаб, XIX аср охирида ёки ундан олдинроқ ҳарбий империянинг бир қисмига айланган ҳудудлар тарихини, шаҳар тарихи билан бирга ички урф-одатлар ҳамда Марказий Осиё хонликларини

¹⁸ Холиқова Р. Россия-Бухоро тарих чорраҳасида–Тошкент:Ўқитувчи,2006.–240б;Қобилов Э.Сурхон воҳаси хўжалиги.– Тошкент:Академнашр,2012.–408б..

¹⁹ Holdsworth. Turkestan in the nineteenth century. A Brief history of the khanates of Bukhara, Kokand and Khiva. – Oxford, 1959. Introduction; Meyendorf G. Voyage d Orenburg a Bouckara fait en 1820. – Paris, 1826; Bonvalot G. Through the heart of Asia. Over the Pomir to India. Vol.II. – London, 1889. – 249 p; Wright George Fredorick. Asiatic Russia. – New York, 1903. 2 vols; Kunits J. Dawn over Samarkand The reirth of Central Asia. – New York, 935. – P.22 – 23.

Осиё ва Африка мамлакатлари билан таққослаш, ташқи алоқаларини ўрганиш. Иккинчи сабаб, инглиз китобхонлари учун Марказий Осиё халқлари, унинг ўтмиш тарихи ҳақида қизиқарли маълумотлар тақдим этиш. Мэри Холдсвортнинг «Turkestan in the nineteenth Century. A brief history of the Khanates of Bukhara, Kokand and Khiva» асарида Бухоро амирлигининг ташқи иқтисодий аҳволи Бухоро – Афғонистон, Бухоро – Эрон ўртасидаги элчилик алоқалари, ташқи савдо муносабатларига доир маълумотлар келтирилган.²⁰

Жорж Фредерик Райтнинг «Россия Осиёси» китобида Марказий Осиёнинг моддий маданиятига доир тарихий манбалар, Бухоро – Россия, Бухоро – Афғонистон, Эрон – Ҳиндистон муносабатлари ҳақида маълумотлар ўз аксини топган.²¹ Жошуа Кунитнинг «Самарқанд бўйлаб тонг, Ўрта Осиёнинг қайта туғилиши» номли асарида Бухоро амирлигида давлат бошқаруви тизими қуйидагича изоҳланган: «Амирнинг ҳокимияти мутлоқ эди. Турли муассасалар бошлиқлари, ҳокимлар у томонидан тайинланар ва фақат унга масъул эди. Мамлакат маъмурий бирлашмалар, вилоятлар, туманлар ва қишлоқларга бўлинарди. Маъмурий амалдорлар беклар, амлоқдорлар оқсоқоллар эди».²² Мавзу тарихшунослигининг таҳлили шуни кўрсатадики, Бухоро амирлигининг савдо муносабатлари масаласи нафақат маҳаллий, балки хориж тарихшунослигида ҳам алоҳида тадқиқот объекти бўлмаган. Амирлик тарихига оид яратилган тадқиқотлар ва нашрларда асосий эътибор Бухоронинг сиёсий тарихи, Россия билан муносабатлари, давлат тузилиши, бошқарувнинг хусусиятлари каби масалаларга қаратилган. Бироқ, амирлик савдо муносабатлари тарихини ўзида акс эттирган яхлит асар яратилмаган.

²⁰ Holdsworth. Turkestan in the nineteenth century. A Brief History of the khanates of Bukhara, Kokand and Khiva. – Oxford, 1959.

²¹ Wright George Fredorick. Asiatic Russia. – New York, 1903. 2 vols.

²² Kunitis J. Dawn over Samarkand The rebirth of Central Asia. – New York, 1935. – P.22 – 23.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация иши Термиз давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасидан ўрин олган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг асосий мақсади Бухоро амирлигидаги ички ва ташқи савдо муносабатлари, уларнинг ҳолати ва ривожига таъсир кўрсатган омилларни тарихий ва мантиқий изчилликда комплекс илмий таҳлил этишдан иборат бўлиб, қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Бухоро амирлигидаги ички савдо ва унинг ўзига хос хусусиятларини илмий таҳлил этиш;
- Амирлик шаҳарларининг ички ва ташқи савдодаги ўрни ва давлатнинг иқтисодий ҳаётидаги мавқеини аниқлаш;
- Бухоронинг кўшни хонликлар ва хорижий давлатлар билан ташқи савдо алоқаларининг муҳим жиҳатларини тадқиқ этиш;
- савдо инфраструктурасининг муҳим компоненти бўлган бозорлар ва карвонсаройларнинг мамлакат иқтисодий ҳаёти ва аҳолининг кундалик турмуш тарзида тутган аҳамиятини кўрсатиб бериш;
- муомалада бўлган пул бирликлари, уларнинг турли ҳукмдорлар даврида ички ҳамда ташқи савдодаги қиймат миқдорини ўрганиш;
- божхоналар фаолияти, бож тизими, турлари ва миқдорини аниқлаш ҳамда уни илмий таҳлил қилиш;
- ички ва ташқи савдо муносабатларида турли этнос, ижтимоий табақа вакиллари иштирокини ўрганиш ва уларни иқтисодий имкониятларини таққослаш;

Тадқиқотнинг объекти. XVIII - XX аср бошларида Бухоро амирлигининг ички ва ташқи савдо муносабатлари тадқиқот объектини ташкил этади.

Диссертациянинг назарий ва услубий асослари. Мавзунини ёритиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида илгари сурилган Ватан тарихини манбалар асосида ҳаққоний ўрганиш, холислик ва тарихийлик

тамойилларига асосий эътибор қаратишга оид ғоялари назарий асос вазифасини бажарди. Тадқиқот жараёнида муаммони янги тарихий тафаккурнинг концептуал нуқтаи-назаридан идрок этишга, тарихий воқеалар характерини уларнинг реал мазмуни асосида, ҳозирги замон тарих фани талаблари контекстида очиб беришга асосий эътибор қаратилди.

Тадқиқотни амалга оширишда қиёсий, танқидий, мантиқий ва хронологик, семантик ва прагматик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- биринчидан, татқиқ қилинган йилларда ҳам Бухоро амирлигида савдо муносабатлари энг даромадли тармоқ саналган.

- иккинчидан, хонликда савдо муносабатларининг тараққий этиб бориши натижасида иқтисодий алоқалар олиб бориладиган ҳудудлар сони ортиб борган. Қўқон ва Хива хонликларидан ташқари. Россия, козок даштлари. Хитой, Қашқар, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, араб мамлакатлари, Усмонлилар давлати ва бошқа ҳудудлар билан бевосита ёки билвосита савдо алоқалари ривожланди. Шунингдек, хонлик кўшни мамлакатларнинг савдо алоқаларида транзит ҳудуд вазифасини бажарган;

- учинчидан, Бухоро амирлиги аҳолиси таркибий жиҳатдан кўп миллатли бўлиб, ички ва ташқи савдо алоқаларида маҳаллий ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ халқлари билан бир қаторда ташқи иқтисодий муносабатларнинг тараққиёти ва турли сабаблар билан хонликка келиб қолган уйғур, яҳудий, хинд, афғон, форс, рус, татар ва бошқа этнос вакиллари фаол иштирок этганлар. Хонликда хорижий савдогарлар учун яратилган муайян имконият, бой ва харидоргир бозор уларнинг хонликда савдо қилиши ва яшаб қолиши учун замин яратган;

- бешинчидан, савдо нафақат иқтисодий, балки маданий ҳаёт тараққиётида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Савдо инфратузилмасининг муҳим компонентлари бўлган бозорлар, қарвонсаройларга эгалик қилган олий ҳукмдорлар, йирик

амалдорлар ҳамда турли ижтимоий гуруҳларга мансуб мулкдорлар уларни муайян муассасалар фойдасига вақф қилганлар. Шу тариқа хонликда шаклланган вақф институти бошқа хонликлардаги каби маданий ҳаёт ривожига, хусусан, мактаб, мадрасалар хонақоҳ ва масжидлар

тизимининг моддий таъминоти, фаолияти яхшиланишига таъсир кўрсатган;

- олтинчидан, Ўрта Осиё хонликлари ўртасида тинимсиз бўлиб турган ўзаро урушлар савдо муносабатларининг тараққиётига салбий таъсир кўрсатган. XIX асрнинг биринчи чорагидан бошлаб Ўрта Осиё бозорини эгаллаш учун инглиз - рус рақобатининг юзага келиши натижасида хонлик савдо алоқаларида жиддий ўзгаришлар юзага келган. Савдо соҳасидаги ташқи ҳамкорлар, савдо молларининг ассортименти, савдо марказларининг роли ўзгарган.

Диссертациянинг илмий янгилиги. Диссертацияда илк бор Бухоро амирлигининг ички ва ташқи савдо муносабатлари комплекс тарзда, манбаларга асосланган ҳолда тадқиқ этилди ва қуйидаги илмий хулосаларга келинди:

- хонликнинг катта ва кичик шаҳарлари, уларнинг ички, ташқи савдодаги ўрни ҳамда аҳамияти илк бор комплекс таҳлил этилди;

- савдо муносабатлари ҳамда унинг ўзига хос қонун қоидалари, ундаги ўзгаришлар, Қўқон ва Хива хонликларидаги ҳолатларга солиштирилган ҳолда, фарқли ва ўхшаш томонлари илмий жиҳатдан кўрсатиб берилди;

- хонлик иқтисодий ҳаётида ташқи савдонинг ўрни, импорт ва экспорт маҳсулот турлари, ички ва ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлилиги аниқланди;

- ички ва ташқи савдода турли этнослар ва тоифаларнинг иштироки, уларнинг иқтисодий имкониятлари ўрганилиб, ўзига хос жиҳатлари қайд этилди;

савдо инфратузилмасининг муҳим компонентлари - бозорлар. қарвонсаройлар. божхоналар фаолияти ўзаро алоқадорликда илмий таҳлил этилди;

- пул тизими. бу соҳада ўтказилган ислоҳотлар, танга пулларнинг ички ва ташқи савдодаги киймати аниқланди;
- ички ва ташқи савдо фаолиятини назорат қилувчи давлат амалдорларининг тайинланиш тартиби, уларга юклатилган вазифалар кўрсатиб берилди;
- савдо соҳасидаги солиқ ва бож турлари, улардан келадиган тушумнинг хажми илк мартаба ўрганилиб, янги маълумотлар илмий муомалага киритилди;
- вақф институтининг савдо муносабатлари билан ўзаро алоқадорликда маданий-маънавий ҳаёт тараққиётида тутган ўрни очиқ берилди;
- кўпгина манбалар маълумотлари ва архив хужжатлари илк бора муомалага киритилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Бухоро амирлиги ва унинг савдо муносабатларини илмий жиҳатдан ўрганиш Ватан тарихи фанининг янги факт ва далиллар билан янада тўлдиради. Шунингдек , тадқиқот натижасида олинган хулосалардан махсус курслар ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

I Боб. XVIII-XX аср бошларида Бухоро амирлигида савдо муносабатлари

I. 1.Савдо йўллари ва карвонсаройлар.

XVIII-XX асрда Бухоро амирлигининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида унинг Ўрта Осиё хонликлари ва бошқа мамлакатлар билан ўзаро муносабатларида ички ва ташқи савдо муҳим аҳамият касб этади. Бу борада шаҳарлар ва мамлакатларни бир-бири билан боғлаб турувчи савдо йўлларининг муҳим ўрни бор. Савдо карвон йўллари ўз аҳамиятига кўра иккига бўлинади. Биринчиси, халқаро миқёсдаги ташқи савдо карвон йўллари. Иккинчиси, мамлакат шаҳар ва қишлоқларини боғлаб турадиган ички савдо карвон йўллари²³.

XVIII аср бошларидаги сиёсий курашлар ишлаб чиқаришда кўл меҳнатининг устунлиги ва натурал хўжаликнинг ҳукмронлиги савдо-сотик ривожига салбий таъсир кўрсатди. Сўнгги Аштархоний ҳукмдорлар давридаги сиёсий вазият, ички курашлар ва натурал хўжаликнинг иқтисодий ҳаётдаги устунлиги, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги савдо алоқаларининг заифлигига олиб келди. Бухоро амирлигини Шарқ давлатлари билан боғлайдиган Сурхон воҳаси орқали ўтадиган савдо йўлларидаги ҳаракатнинг нихоятда секинлашига олиб келди. Айниқса, Балх ва Бухоро ўртасидаги душманлик муносабатлари савдо ривожини сустлашганини яққол билдирди хаттоки, Сурхон воҳасининг ўзида Термиз ва Шеробод ўртасидан ўтувчи савдо йўлларида ҳам карвонлар ҳаракати секинлашиб борди. Бухоро ҳукмдорларининг шарқий ҳудудларга нисбатан олиб борган истилочилик урушлари ҳам савдо ривожига салбий таъсир этди. Бухоро амирлигининг шарқий ҳудудлари билан ғарбий ҳудудлари ўртасида деярли алоқалар йўқ эди. Бу ҳолат Бухоро бекликларининг қўшни Қўқон ва Хива билан савдо алоқаларида секинлашиш яққол кўзга

²³ Холиқов З. Э. Термиз ва Чаганиён сўнгги ўрта асрларда. Тарих фан. ном. дисс. – Самарқанд, 2001. – Б. 150-151.

ташланарди²⁴. Манғитлар хукмронлиги даврига келиб олиб борилган марказлаштириш сиёсати иқтисодиётнинг нормал изга тушишига савдо –сотиш ишларининг жонланишига ўз таъсирини кўрсатди. Бу даврда Шарқий Бухоро бекликларининг ғарбий Бухоро хусусан, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Шахрисабз каби шаҳарлар билан савдо алоқалари жонланганини савдо йўллари ҳаракатидан билишимиз мумкин. Савдо сотиқ учун энг мухими йўлларнинг созлиги ва савдо бозорининг тўкинлиги мухим ахамият касб этади. Ҳақиқатан ҳам, харбий Бухоро хусусан Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига дунёнинг жуда кўплаб мамлакатларидан савдо карвонларининг мол олиб келиши ва бу шаҳарлар хунармандлари томонидан тайёрланган хунармандчилик махсулотларига бўлган талаб ҳам бошқа савдогарларининг ҳаракатини шу томонга йўналтирарди.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлигини унинг дунё мамлакатлари билан олиб борадиган ташқи ва мамлакат ички ҳудудларида ички савдоси кўрсатиб берадиган мезонлардан бири ҳисобланади. Савдо-сотиқнинг ривожланиши кўп жихатдан карвон йўлларининг созлиги, беҳатарлигига боғлиқ. Ички савдо йўллари ўзининг тузилиши, хусусиятига кўра иккига куруқликдаги карвон йўллари ва сув йўлларига бўлиниб, XVIII – XX асрларда Бухоро амирлиги маркази билан боғловчи куруқлик савдо йўлларининг асосий қисми текисликдан, унчалик катта бўлмаган қисми қумлик оркали ўтган. Савдо-сотиқ муносабатларида аравалар асосий транспорт воситаси ҳисобланиб, Ўрта Осиёнинг арава юрадиган йўлларида асосан икки ғилдиракли аравадан фойдаланиларди, бундай типдаги аравага тўғри йўлларда 30 пудгача (480 кг) юк ортиш мумкин бўлган²⁵.

Сурхон воҳаси ҳудудидан ўтадиган йўлларда соябонли аравалардан фойдаланишган, бундай аравалар ғилдиракларининг катталиги билан ажралиб турган.

²⁴ Маджлисов А. Аграрные отношения в Восточной Бухаре в XIX-начале XX вв. – Душанбе-Алма-ата:Ирфон. 1967. – С. 211.

²⁵ Логофет Д. Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Т. 1. – СПб., 1911. – С. 206.

Аравалар кўшиладиган уловга кўра от арава, туя арава, хўкиз арава, хачир арава, эшак арава деб номланган.

Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги ўзаро савдо йўлларида транспорт вазифасини ишчи хайвонлардан от ва туялар ўтар, баъзи ҳолларда хачир ва эшаклардан ҳам фойдаланилган. Одатда, ҳар бир отга қамишдан кажава боғланиб, унга 8 пуд (128 кг) юк ортилган. Туялар бир ва икки ўрқачли эди, икки ўрқачли туялардан кўпроқ фойдаланилган. Икки ўрқачли туяларга 18 – 20 пуд, бир ўрқачли туяларга эса 20 – 24 пуд юк ортилган²⁶.

Хонликлар ўртасидаги савдо йўлларида хавфсизликни таъминлаш, савдо карвонларини қароқчилар ҳужумидан ҳимоялаш, талончи гуруҳларни тугатиш давлат аҳамиятига молик энг муҳим тадбирлардан ҳисобланган. Манбаларда Термиз-Самарқанд йўналиши бўйлаб қуйидаги постлар ўрнатилган: Термиз-Ангор 2. 5 тош, Шохобод 1, 5 тош. Шеробод 1 тош. Лайлагон 3 тош. Сайроб 3 тош. Шўроб 3 тош, Чак – чак 4/1 тош, Оқработ 1, 5 тош. Чашмаи хофизон 2, 5 тош, Танги хорам 3 тош, кўшилиш 3. 5 тош, Қалтаминор 3. 5 тош. Ёртепа 5 тош. Қалтаминор ва Ёртепа йўлининг ўртасида постда турувчи сарбозлар учун қибитка тикилган. Ёртепадан қорабоғгача 2. 5 тош, Чироқчи 2 тош. Шахрисабз 3 тош, Китоб 1 тош, Қайнар 1 тош, Омонқўтон 1, 5 тош, Қоратепа 1. 5 тош. Самарқанд 3 тош, Хисор- Самарқанд йўналишида: Хисор-Регар 4 тош. Сариосиё 2 тош. Юрчи 1 тош. Денов 1 тош. Миршоди 4 тош, Сарикамиш 4 тош. Яумчи-Работ 2 тош. Дарбанд 2 тош шу тариқа то Самарқандгача постлар ўрнатилган²⁷. Сурхон воҳаси ҳудудида ўрнатилган постдаги сарбозларнинг вазифаси воҳа йўлларида қатнайдиغان карвонларни кўчманчи туркман қароқчилари шу жумларидан ҳимоялаш бўлган.

²⁶ Небольсин Б. И. Очерки торговли России с странами Средней Азии (Хивой, Бухарой и Кокандом). – СПб., 1856. – С. 173.

²⁷ Ўз Р МДА. 3-жамғарма, 1-рўйхат. 133-иш, 237- варақ.

Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги савдо йўллари бўйлаб ўнлаб работлар, карвонсаройлар, сардобалар, коризлар, худудлар қурилган. Масалан, Беш кўтан, Тошкент, Оқтош, Қоракамар йўли бўйида жойлашган карвонсаройлар хавфсизликни ҳамда савдогарларни ичимлик суви билан таъминлашда муҳим роль ўйнаган²⁸.

Карвонсаройлар нафақат савдо йўллари бўйида, балки йирик қишлоқ ва шаҳарларда ҳам қурила бошланган, уларнинг сони ортиб борган. Карвонсаройлар сони авваламбор, савдо-сотикнинг ривожини билан боғлиқ бўлиб, Ўрта Осиё шаҳарлари ичида Бухоро алоҳида маъқега эга эди. XIX асрнинг 60-йилларида Деновда 5 та, Шербодда 3 та, Бойсунда 2 та, Китобда 3та, Шахрисабзда 7та бўлган бўлса, XX аср бошларига келиб, биргина Шахрисабзда улар сони 4 бараварга кўпайиб 28 тага етди.²⁹ Вахоланки, XX аср бошларида Хивада бир неча карвонсаройлар бўлганини Масальский қайд этади.³⁰ Тошкентда эса ХУ111 аср охирида 13 та карвон сарой бўлган бўлса, XX аср бошларига келиб улар сони 45 тага етди.³¹ Бухоро амирлигининг йирик савдо маркази саналмиш Бухоро шаҳрида карвонсаройлар сони тўғрисидаги маълумотлар турли манбаларда қайд этилади. Ф.Ефремов Бухоро Чорсуида 4 пишган ғиштдан қўрилган карвонсарой бўлганини қайд этади.³² Н. Хаников савдо- сотик муносабатларининг ўсиши натижасида карвонсаройлар сони ошиб борганини қайд этади, XX аср бошларига келиб, карвонсаройлар 60 дан ортиб кетган. Ўша давр ҳақида маълумот берган М.Юсупов ҳисоб-китобига қараганда улар сони 70 дан ортиқ бўлган. Уларнинг айримларига қисқача маълумот ҳам берган. Жумладан, Саройи жаннат-макони, Саройи

²⁸ Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. – Тошкент: Академия, 2008. – Б. 276 – 278.

²⁹ Сухарева О. Бухара (XIX-начало XX в.).–Москва:Наука,1966.–С.52.

³⁰ Масальский В. Туркестанский край.–СПб.,1913.–С.666.

³¹ Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем.–Ташкент.,1912.–С.74-185.

³² Ефремов Ф. Десятилетнее странствование.–Москва.,1950.–С.26.

домулло Шер, Саройи Хаким-ойим, Саройи хўжакалон, Сарйи Кушбеги ва бошқалар.³³ Шуниси характерлики, бу даврда ҳар қайси миллат ўз карвонсаройига эга бўлиб, ҳар бир карвонсаройда 1500 – 2000 туя сиғиши, улгуржи савдо-сотиш шу ерда амалга оширилиши, олиб келинган товарлардан бож ва закот ҳам шу ерда олинган³⁴. Хорижий савдогарлар тўхтайдиган, мунтазам яшайдиган ва ўз молларини сақлайдиган карвонсаройларнинг бу даврга келиб кўпайиши, шаҳарларнинг йирик савдо марказлари сифатидаги ахамиятининг ошишига ўз навбатида турли этнослараро савдо локаларининг жадал ривожланишига сабаб бўлди. Ўша даврда Бухоро амирлигининг Қарши, Термиз, Шахрисабз, Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарларидаги бир қанча карвонсаройлар, “ўрислар карвонсаройи”, “хиндлар карвонсаройи” ва бошқа шунга ўхшаш номлар билан аталган. Баъзи шаҳарларда карвонсаройлар яхудийларга ҳам тегишли бўлган. Масалан, Қаршидаги учта карвонсаройдан бири яхудийларга тегишли бўлган. XIX асрда яшаган муаллиф бу ҳақда шундай ёзиб қолдирган: “Шаҳарда карвонсаройлар учтадир, лекин уларнинг иккитасигина шаҳарга келадиган карвонларга хизмат қилади, учинчиси эса яхудийлар томонидан сотиб олинган ва эгаллангандир.”³⁵

Карвонсаройлар савдогарлар тўхтайдиган ва ўз молларини сақлайдиган жой бўлибгина қолмасдан, у ерда баъзан маълум маҳсулот турини ишлаб чиқаришга ихтисослашган хунармандлар ҳам яшаганлар, И.В. Веткеевичнинг таъкидлашича, XIX асрнинг 30-йилларида Бухородаги Нўғой саройида Россиялик татарлар яшаганлар ва “Кўп вақтларини очик ҳавода” пойабзал тикиш билан ўтказганлар.³⁶

³³ Сухарева О. Бухара.–С.54.

³⁴ Костенко Л. Ф. Путешествие в Бухару русской миссией в 1870 г. – СПб., 1871. – С. 87.

³⁵ Хаников В.П. Описание Бухарского ханства.–М.,1843.–С.85.

³⁶ Записки о Бухарском ханстве...–С.102.

Филхона саройида ҳам татар хунармандлари–кавушдўзлар яшаганлар ва махсулот ишлаб чиқариш билан машғул бўлганлар.³⁷

Бухоро амирлигининг дашт ва чўлларига хос иссиқ ва қуруқ иқлим шароити мазкур ҳудудлар орқали ўтувчи йўллар бўйида ҳудудлар бўлишини талаб этган. XIX аср рус ҳарбий айғоқчиларининг Бухоро ва Қаршидан Амударё кечувларига, Чоржўйдан Марвга олиб борувчи йўллардаги кўплаб ҳудудлар ҳақидаги маълумотлари эътиборли. Уларнинг тахлили ҳудудда ҳудудлар 2 – 5 сажендан 10 – 11 саженгача чуқурликда қазилганини кўрсатади³⁸. Воҳанинг ҳарбий Бухоро бекликлари билан бўладиган савдо алоқаларида Бойсун, Дарбанд, Шеробод ва Термиз шаҳарлари муҳим аҳамият касб этган. Сурхон воҳасининг қўшни бекликлар ва ҳарбий Бухоро бекликларининг Афғонистон, Хиндистон билан олиб борадиган савдо алоқаларида энг қулай йўл Хисор тоғи тизмалари орқали амалга оширилган. Хусусан жанубий-ғарбий қисмидан ўтувчи йўллар бўлиб, асосан Бойсун ва Дарбанд шаҳарлари орқали ўтган. Қадимдан шаклланиб келган бу йўл бу даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади. Хисор тизмалари орқали ўтувчи тўртта йўл муҳим аҳамиятга эга. Бу йўллардан иккитаси воҳанинг юқори ва қуйи қисмларидан ўтиб, Боботоғ ва хисор тизмалари орқали, иккитаси эса Кўхитанг тоғи орқали Самарқандга борган.

Биринчи йўл - Амударёнинг Хабодиён кечувидан бошланиб, Оқмачит, Турхор, Хисор, Душанбе, Хушёри, Қштут, Варзиканда, Панжакент орқали Самарқандга, бу йўл 498 км ни ташкил қилган.

Иккинчи йўл – Паттакесар кечувидан Салавот, Жарқўргон, Арпаоя, Қумқўргон, Денов, Сангардак, Пасруд, Сурхоб, Қштут, Ворзиканди, Панжикент орқали Самарқандга, бу йўл 480 кмни ташкил қилган.

³⁷ Агзамова Г.А. Сўнги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида хунармандчилик.–53б.

³⁸ Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. – Б. 170.

Учинчи йўл-Чўчкагузар кечувидан ўтиб, Бешқўтан, Шеробод, Лайлогон, Дарбанд, Калтаминор, Яккабоғ, Шахрисабз, Омонқўтон орқали Самарқандга, масофа 310 км.

Тўртинчи йўл – Келифдан Хўжақишлоқ, Кўхитанг, Абдуллахонработ, Бешбулоқ, Ғузур, Қарши, Араббанд, Жом, Сарипул, Торариқ орқали Самарқандга, бу йўл 350 кмдан ортиқроқ.³⁹

Бу йўллардан ташқари, Сурхон воҳасини қўшни бекликлар билан боғловчи бир қатор йўллар ҳам бор эди. Булар Шахрисабз-Самарқанд қишлоғи–Тошқўрғон қишлоғи-Сарим соқли-Сангардак қишлоғи-Дағана-Юрчи шаҳри–Денов шаҳри масофа 179, 1 км (169 верст). ; Шахрисабз-Чимқўрғон қишлоғи-Яккабоғ-Тошқўрғон-Боғча қишлоғи-Саридоғ қишлоғи- Юрчи шаҳри масофа 261. 8 км (26 тош); Шахрисабз-Чимқўрғон қишлоғи-Ёртепа-Калтаминор-Корахавол-Оқработ-Дарбанд шаҳри масофа 135. 6 км (128 верст); Ғузур-қўшилиш қишлоғи-Тангихорам қишлоғи-Чашмаи хофизон қишлоғи-Оқработ қишлоғи-Дарбанд шаҳри масофа 112. 3 км (106 верст); Қабодиён-Бошчорбоғ қишлоғи-Чиғатой қудуғи-Кақайди қишлоғи-Қўнтўғай-Ғубчак булоқ-Кўлкамиш-Кофрун– Бойсун шаҳри масофа 181. 2 км (171 верст); Денов-Юрчи-Сарижўй-Дашнобот қишлоғи-Регар шаҳри қоратоғ-хисор масофа 110. 2 км (104 верст)⁴⁰ ни ташкил қилувчи йўллар мавжуд бўлиб, бу йўллар Бухоро амирлиги ички савдо алоқаларида муҳим ўрин тутган.

Маълумки, Ўзбекистон худудида қадим даврлардан савдо-сотик алоқалари доимий йўлга қўйилган бўлиб, минтақа халқлари нафақат ўзаро ички савдо алоқаларини, балки Шарқ ва Ғарбдаги давлатлар билан ҳам савдо-сотик

³⁹ Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. – СПб.: Воен. тип. 1894. – С. 45; Холиқов З. Э. Термиз ва Чағаниён сўнги ўрта асрларда. Тарих фан. ном. дисс. – Самақанд. 2001. – Б. 156.

⁴⁰ Подполковник Матвеев. Поездка по Бухарским и Афганским владениям (1877) // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Вып. V. – СПб.: Воен. тип., 1883. – С. 29- 33.

муносабатлари олиб борганлар.Тарихий адабиётларда Ложувард йўли, Олтин йўли, Кумуш йўли, Дашт йўли, Шох йўли ва бошқа номлар билан аталувчи қадимги йўллар Ўрта Осиё ва қадимги Шарқ мамлакатларининг иқтисодий- маданий алоқаларида ва умуман цивилизациялараро муносабатлар тизимида муҳим ўрин тутган. Шубҳасиз, савдо муносабатларини олиб боришда Буюк ипак йўлининг ўзига хос ўрни бўлган.⁴¹ XIX асрда Бухорога ташриф буюрган Е.К. Мейендорфнинг ёзишича, Александр Македонский давридан бошлаб ҳозирги қарвонлар юрадиган Бухородан Самарқанд орқали Қашқарга борадиган Буюк ипак йўли аниқланган эди.⁴² Қўқондан Хўжанд ва Ўратепа орқали Жиззахга, Самарқанд ва Бухорога ўтувчи йўлнинг ҳам минтақавий алоқалардаги аҳамияти катта эди.⁴³ Бухоро амирлиги ва Россиянинг Шарқ давлатлари билан бўладиган савдо алоқаларида Сурхон воҳаси орқали ўтадиган қарвон йўлларининг алоҳида ўрни бор. Маълумки, Бухоро ва Россия ҳукуматининг Афғонистон билан бўладиган савдо алоқалари Амударё сув йўли орқали амалга оширилган. Айнан Сурхон воҳаси ҳудудида Амударё сув йўлининг муҳим кечувлари Паттакесар, Термиз, Бухоро амирлиги ва Россиянинг Шарқ давлатлари билан бўладиган савдо алоқаларида Сурхон воҳаси орқали ўтадиган қарвон йўлларининг алоҳида ўрни бор. Маълумки, Бухоро ва Россия ҳукуматининг Афғонистон билан бўладиган савдо алоқалари Амударё сув йўли орқали амалга оширилган. Айнан Сурхон воҳаси ҳудудида Амударё сув йўлининг муҳим кечувлари Паттакесар, Термиз, Ёрғоқ, Чўчкагузар. Қорақамар ташқи савдода муҳим ўрин тутган.⁴⁴ Бу кечувлар XVI асрдан то Амударё флотилияси ташкил бўлгунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган. Рус флотилияси ташкил қилингандан сўнг Паттакесар кечувининг юк ташишдаги аҳамияти ошиб борди.

⁴¹ Қаранг. Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар.–Тошкент.,2007.

⁴² Мейендорф Е.К. Путешествия из Оренбурга в Бухару.–Москва,1875.–С.120.

⁴³ Хорошхин А.П. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края.–СПб.,1876.–С.67-68.

⁴⁴ Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Тошкент:А. Қодирий номидаги халқ мероси. 1997. – Б. 92.

XIX аср ўрталарида Афғонистоннинг Балх шаҳри билан боғлайдиган уч йўналиш ҳаракатда бўлган:⁴⁵

Биринчи йўналиш-Самарқанд-Шахрисабз-Яккабоғ-Тошқўрғон-Шотруд довони-Сарижўй-Юрчи-Денов-Термиз-Балх.

Иккинчи йўналиш-Самарқанд-Жом-Чияликудук-Ғузор-Оқработ-Темир дарвоза-Термиз-Балх.

Учинчи йўналиш-Самарқанд-Шахрисабз-Калтаминор довони-Оқработ-Темир дарвоза-Термиз-Балх.

Сурхон воҳаси ҳудудининг Шар давлатлари билан бўладиган савдо алоқаларида тутган муҳим стратегик ўрнини ҳисобга олган чор ҳукумати бу ҳудудда савдо тизимини ўз қўлига олиш учун барча чора-тадбирларни амалга оширди, хали Бухоро Россиянинг вассалига айланмаган даврдаёқ, рус савдогарлари воҳа ҳудудидан ўтувчи Амударё кечувлари орқали Афғонистон, Хиндистон давлатлари билан актив алоқа олиб борганини тарихий манбалар исботлайди. Чор ҳукумати Бухоро хонлиги устидан ўз протекторатини ўрнатгандан сўнг. Шарқ давлатлари билан бўладиган савдо алоқаларида Россия манфаатлари устунлигини таъминлаш чоралари кўрди. 1873 йил 23 сентябрда Бухоро амири Музаффархон ва Туркистон генерал-губернатори Кауфман ўртасида имзоланган шартноманинг 7-моддасида рус савдогарларига Бухоро ҳудудидан қўшни давлатларга товарларни божсиз олиб ўтиш ҳуқуқини берди⁴⁶. Аммо, Бухоро ҳукумати бу шартнома бандларига тўлиқ риоя қилмади. Хусусан транзит товарлардан бож олиниши рус савдогарларининг норозилигига сабаб бўлди. Бу ҳолатни бартараф этиш учун дасблаб Бухорода рус тижорат агентлиги, сўнгра 1894 йилда амирликнинг чегара пунктларида рус

⁴⁵Мавлонов Ў., Маҳкамova Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари. – Тошкент: Академия. 2004. – Б. 106

⁴⁶ ЎзР МДА. 1-жамғарма. 12-рўйхат. 1775-иш. 108-варақнинг орқа томони-109 варақ.,

божхоналари ташкил қилишга қарор қилинди⁴⁷. Бухоро амирлигини рус божхона тизимига киритиш тўғрисидаги қонун 1894 йил 6 июлда қабул қилиниб, расман ушбу йилнинг 15 ноябридан кучга кирди⁴⁸.

1895 йил бошларида Керки, Келиф, Чўчкагузар, Паттакесар ва Айванж божхоналари иш бошлади. 1895 йил 1 майда Панж дарёси бўйидаги божхона иш бошлади. Рус – афғон чегарасидаги савдони назорат қилиш 1895 йил 1 июлдан тўла кучга кирди ҳамда Ўрта Осиёдаги ташқи савдо устидан Россия империяси назорати узил-кесил ўрнатилди⁴⁹.

Ўрта Осиёда мустамлака бошқарув тизимининг ўрнатилиши нафақат иктисодий ҳаётга, балки савдо-сотиш ривожига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Эндиликда Ўрта Осиё орқали чет эл билан олиб бориладиган транзит савдо алоқалари ва савдо йўллари Россия ҳукмрон доираларининг буюк империячилик сиёсати манфаатларига хизмат қила бошлади. Афғонистон, Эрон, Қошғар, Хиндистон билан олиб бориладиган савдо-сотик бевосита империя манфаатларига бўйсундирилди.

Бухоро – Афғонистон чегарасининг Россия – Афғонистон чегарасига айлантирилиши, Амударё бўйлаб кечув ва божхона пунктларида Россия империяси назоратининг ўрнатилиши ҳам бевосита савдо йўллариининг унинг манфаатлари йўлида хизмат қилишига олиб келди. 1894 йилги ягона божхона тизимининг жорий этилиши амалда Бухоро амирлигининг Сурхон воҳаси бўйича савдо мустақиллигини тугатди, бу давлатлар орқали кўшни мамлакатларга чиқадиган савдо йўллари ҳам XIX аср охирларига келиб тўлалигича Россия империяси ҳукумати тасарруфига ўтди,

⁴⁷ Соколов А. Я. Торговая политика России в Средней Азии и развития русско-афганских торговых отношений. - Ташкент:Фан. 1971. – С. 172.

⁴⁸ ЎзР МДА. 1-жамғарма. 11-рўйхат. 1319-иш. 2-варақ.

⁴⁹ Ўша жойда.

у бу худудлардаги истеъмол бозоридаги рақобатни унинг фойдасига хал қилди.

Россия ҳукумати ҳам харбий. ҳам иқтисодий манфаатларини ўйлаган ҳолда, Сурхон воҳаси орқали ўтадиган қуруқлик, сув ва темир йўлларида савдо сотик ишлари учун қулайлик яратиш учун барча чора тадбирларини амалга оширди. Унинг бу соҳада амалга оширган дастлабки тадбирларидан бири. Самарканд – Термиз тупроқли арава йўлини қуришга киришидир. 1885 йил 3 декабрдаги чор ҳукумати қарори асосида Бухоро амирлиги худуди орқали ўтадиган қуйидаги йўллар қурилишига алоҳида эътибор қаратилди⁵⁰:

1. Термизгача темир йўл қуриш.
2. Саройгача пароход қатновини йўлга қўйиш.
3. Шарқий Бухорода йўл қуриш лойиҳасини ишлаб чиқиш ва 1902 йил 1 январдан Термиз трактини ишга тушириш.

Шу қарор асосида 1899 йили харбий инженер, полковник А. М. Бонч–Богоданевский Самарканд – Термиз тупроқли арава йўли лойиҳасини ишлади. Самарканд – Термиз йўлининг узунлиги 346 верст бўлиб, Тахта Қорача довонидан Термизгача 298 верстни ташкил этади. Йўл Бухоро хонлиги чегараси бўйлаб Китоб, Шахрисабз, Яккабоғ, Гузор, Дарбанд, Шеробод худудлари орқали ўтади. Ишнинг техник ҳолатини кузатиш учун унинг ихтиёрига Туркистон сапёрлар батальонидан 3 офицер ва 61 сапёр ажратилади. Иш ҳақи ва материаллар тайёрлаш учун рус ҳукумати томонидан 17 340 сўм ажратган.

Бухоро бекликлари йўл ўтадиган худудлари аҳолисидан ишчи кучи ажратилган, хар куни беклик аҳоли сонидан келиб чиқиб 150 дан 600 тагача ишчи жалб қилган. Ишчилар сони қунига 3000 кишига етган. Ишчилар таъминоти улар келган амлоқдорлар ҳисобидан бўлиб, баъзи бир бекликларда ишчилар овқати учун 15

⁵⁰ ЎзР МДА. 2-жамғарма. 1-рўйхат. 251-иш. 24 – 25-варақлар.

тийин ажратилган. Йўл лойихаси 10 ой ичида, 1899 йил кузида тўлиқ ишлаб чиқилган.

1899 – 1901 йиллар орасида рус ҳукумати маблағи ҳисобига Самарқанд – Термиз тупроқ йўлида 17 бекат қурилиши амалга оширилди. Барча ишлар учун рус ҳукумати томонидан 340 000 сўм ажратилди. Самарқанд – Термиз почта йўли лойихасини рус харбий инженери Куропаткин топшириги асосида французларнинг Жазоирдаги қурилиши асосида амалга оширилган. Рус харбий зобити, подполковник Мельников Самарқанд – Термиз почта йўлидаги энг охир участкаларнинг оралиқ масофаси ва улардан ўтадиган вақтни ҳам ҳисоблаб чиқиб ахборот берган. Унинг ахборотида қуйидаги маълумотлар келтирилади⁵¹.

1. Лайлогон – Чилонзор, 11, 5 верст, 43 минут.
2. Сайроб – Дарбанд, 16 верст, 2 соат 50 минут.
3. Дарбанд – Окработ, 21 верст, 2 соат 55 минут.

Мазкур Самарқанд – Термиз почта йўли қурилиши анча кўп маблағ талаб қилса ҳам, 1902 йили ишга туширилди. Бу йўлнинг хар бир версти учун 250 – Шу қарор асосида 1899 йили харбий инженер, полковник А. М. Бонч– Богоданевекий Самарқанд – Термиз тупроқли арава йўли лойихасини ишлади. Самарқанд – Термиз йўлининг узунлиги 346 верст бўлиб, Тахта қорача доводидан Термизгача 298 верстни ташкил этади. Йўл Бухоро хонлиги чегараси бўйлаб Китоб, Шахрисабз, Яккабоғ, Гузор, Дарбанд, Шеробод ҳудудлари орқали ўтади. Ишнинг техник ҳолатини кузатиш учун унинг ихтиёрига Туркистон сапёрлар батальонидан 3 офицер ва 61 сапёр ажратилади. Иш ҳақи ва материаллар тайёрлаш учун рус ҳукумати томонидан 17 340 сўм ажратган.

⁵¹ ЎзР МДА. 2-жамғарма. 1-рўйхат. 279-иш. 126-варақ.

1899 – 1901 йиллар орасида рус ҳукумати маблағи ҳисобига Самарқанд – Термиз тупроқ йўлида 17 бекат қурилиши амалга оширилди. Барча ишлар учун рус ҳукумати томонидан 340 000 сўм ажратилди. Самарқанд – Термиз почта йўли лойиҳасини рус харбий инженери Куропаткин топшириги асосида французларнинг Жазоирдаги қурилиши асосида амалга оширилган. Рус харбий зобити, подполковник Мельников Самарқанд – Термиз почта йўлидаги энг оғир участкаларнинг оралик масофаси ва улардан ўтадиган вақтни ҳам ҳисоблаб чиқиб ахборот берган. Унинг ахборотида қуйидаги маълумотлар келтирилади⁵².

4. Лайлогон – Чилонзор, 11, 5 верст, 43 минут.

5. Сайроб – Дарбанд, 16 верст, 2 соат 50 минут.

6. Дарбанд – Оқрабат, 21 верст, 2 соат 55 минут.

Мазкур Самарқанд – Термиз почта йўли қурилиши анча кўп маблағ талаб қилса ҳам, 1902 йили ишга туширилди. Бу йўлнинг ҳар бир версти учун 250 – 300 рубль, 300 версти учун 90 000 рубль пул сарфланган. Йўл ўтган 6 бекликнинг ҳар биридан 10 000 – 20 000 сўмгача маблағ сарф этилган⁵³.

Умуман, савдо-сотик ишларида Самарқанд – Термиз йўлининг ўзига хос ўрни бор эди. Бу йўл нафақат ички савдога балким ташқи савдода ҳам муҳим аҳамият касб этди. Воҳанинг ташқи савдода тутган ўрни ўсиб борди. Бухоро амирлиги билан Афғонистон савдосида Мозори шариф, Шибирхон, Чорвилоят, Ахча, Андхўй, Сарипул, Маймана каби шаҳарлар муҳим ўрин тутган, бу ерлардан қуйидаги маҳсулотлар Термиз – Денов савдо йўллари орқали Бухорога олиб ўтилган⁵⁴.

⁵² ЎзР МДА. 2-жамғарма. 1-рўйхат. 279-иш. 126-варақ.

⁵³ ЎзР МДА. 2-жамғарма. 1-рўйхат. 251-иш. 85 – 86-варақлар.

⁵⁴ Ремез И. А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. – Ташкент, 1922. – С. 28.

Рус ҳарбийлари, маъмурлари қуруқлик ва сув йўлларини яхши ўрганганлар, Сурхон воҳаси орқали ўтувчи кечувчиларга алоҳида эътибор қаратишган. Чунки Россиядан келтирилган товарларнинг бир қисми дарё орқали Термиздан Афғонистонга етказилган. Амударёда воҳа савдогарларига тегишли қайиқлар юрган. Афғонистон орқали юборилган юклар Термизгача қайиқларда ташиб келинар ва бу ердан юкларнинг бир қисми туширилиб Шеробод – Бойсун – Денов йўналиши бўйлаб Бухорога етказиларди. Бухоролик савдогарларга тегишли қайиқлар Амударё бўйлаб Термиздан юқорига сузарди. Сурхон воҳасидан карвонларнинг дарё бўйлаб Бухорога бориши учун Келифдан ўтадиган йўл асосий йўл саналган.⁵⁵

Амударё бўйлаб қайиқларнинг юк ташиши учун йилнинг ҳамма вақти ҳам қулай эмасди, айниқса, ноябрь, декабрь ва февраль ойларида юк ташиш қийинлашарди. Архив манбаларида қайиқлар ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. Одатда, қайиқларни сариқ тол дарахтидан ясашган, қайиқ учун 80 – 85 дона тол ишлатилган, 6 – 7 қайиқсоз усталар қайиқни бир неча кунда ясашган.⁵⁶

Нихоятда оддий ва кўпол қайиқларда XIX аср охирларида умумий юк ташиш ҳажми 500 минг пудни ташкил этган. Бухорога тегишли қайиқлар Сарой қишлоғидан то Чоржўйгача молларни ташиб келтириш учун 614 верст сув йўлини босиб ўтган.⁵⁷

Хоразмдан Термизгача сув орқали сузиш учун кемалар 10 кунлик масофани босиб ўтарди.⁵⁸

⁵⁵ Зиёев Х. Ўрта Осиё ва Волга бўйлари. – Тошкент: Фан, 1965. – Б.215.

⁵⁶ ЎзР МДА. 1-жамғарма. 22-рўйхат. 832-иш. 17-варақ

⁵⁷ Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. – СПб., 1911. – С.213 – 215.

⁵⁸ Ртвеладзе Э. Цивилизации, государства, культура Центральной Азии. – Тошкент, 2005. – С.250.

Шарқ давлатлари, хусусан, Шимолий Афғонистон (Чорвилоят.Андхўй.Маймана) билан савдода Паттакесар кечуви муҳим ўрин тутган. Паттакесар кечуви орқали 1891–1892 йиллари 715 минг рубллик яъни: 118 минг пуд майиз, 27,5 минг бош чорва моллари, 41,4 минг пуд пахта, 12,4 минг пуд уруғлик, 13 минг пуд ҳар хил бўёқлар олиб Бухорога олиб ўтилган бўлса, 11,1 минг пуд шакар, 0,5 минг пуд шам, 2,2 минг пуд сопол буюмлар, 2,6 минг пуд керосин, 7,4 минг пуд металл, 25,7 минг пуд мато ва 2,2 минг пуд бошқа маҳсулотлар Афғонистонга экспорт қилинган.⁵⁹

Бу молларни олиб ўтишда Амударё сув йўлининг ўрни катта эди. XIX асрнинг 2-ярмида, яъни Ўрта Осиёда Россия империяси ҳукмронлиги ўрнатилгач Саноат эҳтиёжи учун муҳим хомашё ҳисобланган пахтага талаб ортди. Шу боисдан савдо йўлларини кенгайтириш ва жадалаштиришга эътибор кучайди. Аввало, сув йўлларида имкон борича кўпроқ фойдаланишга интилишди. Биринчидан, сув йўлларида талончилик қуруқлик йўлларига нисбатдан камроқ эди. Иккинчидан, сув йўли билан товарларни ташиш нисбатан арзонга тушарди. Юқоридаги сабаблар туфайли Россия империяси Ўрта Осиёни эгаллаб олганидан кейинги дастлабки йилларда сув йўлларига жиддий эътибор қаратди.

1873 йили Бухоро амирлиги билан тузилган шартномада ҳам Амударё сувидан фойдаланишга алоҳида аҳамият берилганди. Рус пароходларига ва бошқа сузувчи кемаларга Амударёда эркин сузиб юриш ҳуқуқи ҳамда рус савдогарларига ўз пристан ва омборхоналарини қуришга рухсат берилди.⁶⁰

Россия империяси ўзининг буюк стратегик мақсадларини амалга ошириш, Ўрта Осиёнинг ички ҳудудларига кириб бориш, Афғонистон ва Ҳиндистон бозорини забт этиш учун Амударёдан фойдаланишга зўр берган.

⁵⁹ Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. – Ташкент, 1922. – С.37.

⁶⁰ ЎзР МДА. 1-жамғарма. 22-рўхат. 832-иш. 9 – 10-варақлар.

Россиянинг савдо фирмалари Амударё бўйлаб Чоржўй, Керки, Термиз ва Саройда ўз идораларини очишди, савдо омборхоналари ва дўконларининг ишга туширилиши кема қатнови ривожига туртки берди. 1876 – 1879 йиллари «Самарқанд» номли пароход қатнови йўлга қўйилди.⁶¹

1887 йили Амударё флотилияси очилиб, катта-катта кемалар ва пароходлар қатнай бошлади. Ҳарбий мақсадни кўзлаб флотилия ташкил қилинган эса-да, у савдо-сотик ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Бу ҳақда Туркистон генерал-губернатори шундай деганди: «Амударё флотилиясининг ташкил этилиши бизнинг Амударёга бўлган тўла ва ажралмас ҳукмронлигимизни ҳар кимга ва барчага англадиб туради».⁶²

Амударё флотилиясининг очилиши Бухоро амирлиги ва Россия давлати учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Бекликларнинг ўзаро яқинлашуви, улар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида катта аҳамият касб этди. Айниқса Шарқий Бухоро бекликларини ғарбий ҳудудлар билан боғлашда сув йўли муҳим аҳамият касб этган. Маълумки, Россия флотилияси ташкил қилинганга қадар Амударёда Бухоро амирлиги ва афғон қайиқлари ҳаракат қилган. Бу қайиқларда асосан савдо юклари ва йўловчилар ташилган. Маълумотларга қараганда, Амударё бўйлаб 800-1500 пудгача юк кўтара оладиган умумий юк обороти 500 минг пудни ташкил этган 500 га яқин қайиқлар ҳаракатланган.⁶³

⁶¹ ЎзР МДА. 1-жамғарма. 22-рўйхат. 832-иш. 27-варақ.

⁶² ЎзР МДА. 1-жамғарма. 17-рўйхат. 902-иш. 5-варақ.

⁶³ [Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. – Ташкент, – С.7.](#)

Юкларнинг қолган қисми ҳар бири 50 тоннадан 100 тоннагача юк кўтарувчи 13 та шатакланган пўлат баржаларда ташилган. Пароходлар ёз ойларида Чоржўйдан Термизгача масофани 7 кунда, кишда 11 кунда босиб ўтган.⁶⁴

Амударё кема катнови учун ноқулайлиги сабабли катнов кундузи амалга оширилган. Сарфланган маблағ 2700 рублга етган, олинадиган даромад 2200 рублдан ошмаган.⁶⁵

Сув йўли чор ҳукумати учун ҳам, Бухоро амирлиги учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Ташиладиган юкларнинг нархи қуруқликдагига нисбатан 3 – 4 баровар арзонга тушган.

Катта кемалардан ташқари, Амударёда Бухоро қайиқлари ҳам катнаган. Улар асосан кечувларда йўловчилар ва юкларни ташишган. Кечувдан ўтказиб қўйгани учун қайиқчилар ҳар бир одамдан 15 тийин, қўй ва эчкидан 5 тийин, от, туя ва қорамолдан эса 15 тийиндан кира ҳақи олишган. Термиздан Жиликўлгача қайиқлар 15 – 20 кун юрган, ёзда эса 12 – 20 кун йўл юришган. Шарқий Бухоро бекликлари ҳудудларини ғарбий ҳудудлар билан боғлашда сув йўллари муҳим аҳамият касб этган. Қайиқлар дарё бўйлаб асосан ғалла ва пахта маҳсулотлари ташиган. Дарёда 600 га яқин қайиқларда юк ташишган. Уларнинг йириклари 800 пуддан 1500 пудгача юк кўтаролган.⁶⁶ И.А.Ремез берган маълумотга қараганда, Амударёда сузувчи қайиқларнинг умумий сони аниқмас, тахминларга қараганда, 500 га яқин қайиқ бўлиб, улар 600 – 800 пуд миқдорида, айримлари 300 минг пудгача юк кўтара олган. Қайиқларнинг умумий юк кўтариши қуввати 500 минг пудгача бўлган⁶⁷.

⁶⁴ Гаевский И. Курган-Тюбинское бекство // Изв. РГО. Т.55 – СПб., 1919. – С.44.

⁶⁵ Искандаров Б.И. Восточная Бухара и Памир в половине XIX в. Т.II. – Душанбе, 1963. – С.241.

⁶⁶ ЎзРМДА. 2-жамғарма. 1-рўйхат. 8-иш. 6-варақ.

⁶⁷ Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. – Ташкент, – С.7.

Россия-Афғонистон савдо алоқаларида муҳим аҳамият касб этувчи Паттакесар 4 та кема бўлиб, уларнинг 2 таси Бухорога, 2 таси Афғонистонга тегишли эди.⁶⁸ Уларнинг йиллик даромади 3 минг рублни ташкил этган. Савдогарлар Шеробод катта карвон йўли Чўчкагузар кечуви орқали Балх ва Мозори-шариф шаҳарлари билан савдо алоқалари олиб борган. Бу кечувда 6 та қайиқ бўлиб, шундан учтаси Бухорога, учтаси Афғонистонга тегишли. Бу қайиқлар товар ва йўловчи ўтказиб қўйганлиги учун қуйидагича ҳақ олган: Туя ва отдаги юк учун 1 танга, эшакдаги юк учун ярим танга, ҳар бир йўловчидан 16 чек ҳақ олган.⁶⁹ Амударё флотилиясида дастлаб «Цар» ва «Царица» деб номланган пароходлар ва иккита темир баржалар қатнови йўлга қўйилган.⁷⁰

Чор Россиянинг Ўрта Осиёга қизиқиши ортгани сабабли асосан ҳарбий мақсадни кўзлаган ҳолда Амударё кўрсаткичи кам эса-да, йилига 600 минг пудгача юк ташишган. Флот учун сарфланган маблағ ўртача 300 000 рубль камомад билан турган.⁷¹

Амударё флотилиясига янги пароходлар олиб келингани билан, уларнинг ҳаракатланиши анча ноқулайлиги сабабли Чоржўй – Термиз оралиғи (540 верст) 9 кунда босиб ўтилган. Агарда об-ҳаво қулай келиб ойига Чоржўй-Термиз оралиғида пароход 2 марта катнаса 10000 пуддан-20000 пуд юк ташиб келтирган.⁷² Амударёда кема қатнови қанчалик ноқулай бўлмасин, иш ўз маромида давом этган. Сабаб, биргина Термиз ва Чоржўй ўртасида бир йиллик юк ташиш айланмаси 250 минг

⁶⁸ Грулев М.В. Аму-Дарья. – Ташкент, 1900. – С.64.

⁶⁹ Сов. Петров. Рекогносцировка бухарских владений \\ Сбор. геог. топог. истат материалов по Азии. -СПб..1888. -С.80.

⁷⁰ Семёнов-Тянь-Шанский В.П. Россия. Полное географическое описание. Туркестанский край. – СПб., 1913. – С.570.

⁷¹ Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. – Ташкент, – С.7.

⁷² Кўрсатилган асар. – С.8.

пудни ташкил этган.⁷³ Ўрта Осиёда рус товарларини янада кўпайтириш ҳисобига инглиз товарлари кириб келишининг олдини олиш учун Россия ҳукумати темир йўл қуришга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Бухоро амирлигининг шарқий ҳудудлари билан боғловчи Когон – Термиз темир йўли қурилишига ҳам рус ҳукумати, ҳам Бухоро амирлиги энг долзарб қурилиш сифатида қарашди. Қурилажак бу йўл Қобул ҳарбий ҳаракат йўналишида (Термиз – Мозори Шариф – Қобул) асосий йўналиш вазифасини ўташи эътиборга олинган. Қолаверса, Термиз темир йўл тармоғини келажакда Англия – Ҳиндистон темир йўл тармоғи билан бирлаштириш, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистоннинг энг бой ўлкалари билан савдо-сотикни ривожлантириш ҳам кўзда тутилган; иккинчидан, Термиз темир йўли орқали рус темир йўлларининг Англия – Ҳиндистон темир йўллари билан бирлашишига эришилади. Бу бирлашиш натижасида Ғарбий Европани Жанубий Осиё билан бирлаштирадиган жаҳонда ягона Россия орқали ўтадиган яхлит транзит темир йўли шаклланади; учинчидан, Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг Россия темир йўлларида фойдаланиши ниҳоятда катта даромад келтирар, у Россия ҳудудларининг янада ривожланишига хизмат қилади.

Ўлкадан кўплаб бойликларни ташиб кетиш масаласи Россия ҳукмрон доиралари томонидан XIX асрнинг 60-йилларидан кун тартибига қўйилганди. 1880 йил ноябрда қурилиши бошланган Ўрта Осиё темир йўли иқтисодий-молиявий қийинчиликка қарамай давом эттирилди. Мазкур темир йўлнинг Красноводскдан Қизил Арватгача бўлган қисми 1884 йилиёқ қуриб битказилганди.⁷⁴

Россия ҳукумати Бухоро амирлигининг шарқий ҳудудларидан юк ташиш ва хомашё олиб кетишни кўпайтириш мақсадида Бухородан Термиз, Термиздан Ҳиротгача, Термиздан Кўлобгача темир йўл қурилишини тезлаштиришга эътибор

⁷³ Ананьев А.Г. Шерабадская долина. – СПб., 1914. – С.25.

⁷⁴ ЎзР МДА. 1-жамғарма. 22-рўйхат. 832-иш. 30-варақ.

қаратди. Термизга темир йўлнинг келиши Бухоро амири учун ҳам аҳамиятга эга эди. Авваламбор, амирликнинг жануби-шарқий қисмидаги минерал бойликлар қайта ишланиши ва сотилиши мумкин; иккинчидан, буғдой, гуруч ва пахта экиладиган серҳосил экин майдонлари кенгаярди.⁷⁵

Чунки курилайётган темир йўл амирлик марказини Шарқий Бухоро худудидаги 9 та беклик билан боғларди. Уларда 470 минг киши истиқомат қилган.⁷⁶ Мазкур бекликларни қийнаб келайётган муммолардан бири транспорт қатновининг яхши йўлга қўйилмагани эди. Албатта, Шарқий Бухоро ерларини марказга олиб борувчи куруклик, сув йўллари бўлган. Аммо бу йўллар амирлик учун ҳам, чор ҳукумати учун ҳам қимматга тушарди.

XX аср бошларига келиб Россия ҳукумати олдида иқтисодий, сиёсий, энг муҳими, ҳарбий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда Бухоро амирлигининг жануби-ғарбий ва жануби-шарқий худудларини темир йўл орқали Ўрта Осиё магистрали билан боғлаш малакаси пайдо бўлди. Ушбу йўл чор Россиясини Бухоро ёки Самарқанд орқали амирликнинг энг жанубий чеккаси – Термиз билан боғлаши лозим эди.

Таъкидлаш жоизки, Ўрта Осиё магистрал темир йўли асосан Бухоро амирлигининг шимолий қисмидан Зарафшон дарёси бўйлаб ўтганди. Амирликнинг жануби-ғарбий ва жануби-шарқий қисмлари эса темир йўлдан четда қолган.

Амирликнинг жанубий қисми табиий бойликларга бой худуд ҳисобланади. Бу ерда турли дарахтлар, олтин, қалай, олтингугурт, нефть, темир, кўмир, мармар, лазурит, рубин каби бойликлар беҳисоб бўлган. Қарши, Китоб, Яккабоғ, Чироқчи,

⁷⁵ ЎзР МДА. 2-жамғарма. 1-рўйхат. 277-иш. 17-варақ.

⁷⁶ Искандаров Б.И. Из истории Бухарского эмирата (Восточная Бухара и Западный Памир в конце XIX века.) –М., 1958. – С.9.

Ғузур, Шеробод, Сарижўй, [Шартуз](#), Қорабоғ, Ҳисор, Душанбе каби шаҳарлар жойлашганди.⁷⁷

Юқорида таъкидлаганимиздек, қуриладиган йўл, аввало, рус буржазияси учун авваломбор стратегик аҳамиятга эга эди. Агарда Қобул тарафда ҳарбий ҳаракатлар бошланиб қолган тақдирда жуда тезлик билан Афғон чегарасига зарур ҳарбий қўшинни етказиб бориш имкониятини юзага келтирарди. Аммо дастлабки вақтда бу йўл катта иқтисодий самара бермагани билан ўзлаштирилмаган ерларнинг кўплиги бу ерларнинг келажаги борлигидан далолат берарди.⁷⁸

Когондан Қарши орқали Термизга қадар бўлган янги темир йўл қуриш ва унинг Афғонистон чегараси бўйлаб ўтказилиши Ўрта Шарқда Россия мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қиларди.⁷⁹

1904 – 1912 йиллари темир йўл қурилиши иқтисодий, молиявий жиҳатдан ҳал этилди, 1904 йил май ойидан бошлаб Қарши-Ғузур-Шеробод йўналишида темир йўл қуришга тайёргарлик ишларини олиб боришга маъсул этиб, инженер Голэмбиовский тайинланди.⁸⁰ Темир йўл қурилишининг афзалликлари ҳақида матбуотда ва тарихий тадқиқотларда фикрлар билдирилди. 1910 йил 25 апрелда Техронда чиқадиган «Новое время» рўзномасида Новацкий баёнотидаги қуйидаги фикрлар бунинг исботи: «Темир йўллар қурилиши билан Термизга Афғон молларининг нафақат Афғонистон шимолидан, балки унинг ички ҳудудларидан

⁷⁷ Холикова Р. Россия – Бухоро: тарих чорраҳасида. – Тошкент: Ўйитувчи, 2005. – Б.207 – 208.

⁷⁸ ЎзР МДА. 2-жамғарма. 1-рўйхат. 277-иш. 10- 10-варақнинг орқа томони..

⁷⁹ Қосимов.Ф. Халқаро муносабатлар тизимида Бухоро давлатининг ерни (1900 – 1925) // Бухоро университети ахборотномаси. 2004. №2. – Б.55 – 59.

⁸⁰ЎзР МДА. 2-жамғарма. 1-рўйхат. 188-иш. 5- варақ.

ҳам кўплаб келиши мумкинлиги айтилади. Чунки Мозори Шариф орқали Кобулни Ўрта Осиё билан боғловчи қадимий йўл ўтади. Тўғри, ҳозирда бизнинг Афғонистон билан божхона орқали мол айирбошлашимиз ниҳоятда паст. Шубҳасиз, термир йўл Термиздан ўтиши билан табиий равишда мол алмашиш йилдан-йилга ўсади ва биз ҳам Шимолий Афғонистон бозорларини эгаллаймиз».⁸¹

Термиз темир йўлининг қурилиши Бухоро амирлиги иқтисоди учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Авваломбор, беҳисоб ер ости ва ер усти бойликларидан унумли фойдаланиш имкониятини яратади. Бухоро амири муҳандис А.Н.Коволевскийга темир йўл қурилиши хизмати учун 600 десятина ер ҳамда қурилишга кетадиган харажатларнинг 25 фоизини ажратишни ўз зиммасига олди.⁸²

Бухоро амири [кушбегиси](#) Россия императорлиги сиёсий агентига ёзган хатида шундай таъкидлайди: «Ушбу темир йўлнинг ўта муҳимлигини назарда тутиб олампадох Бухоро амири ушбу йўлнинг қурилиши учун концессияни рус фуқароси Александр Николаевич Коволевскийга беришига қарор қилди».⁸³

1912 йил 18 – 25 сентябрда махсус комиссия Коволевский лойиҳасини маъқуллади. 1913 йили А.Н.Коволевский «Бухоро темир йўлини қуриш акционерлик жамияти»ни таъсис этади, жамият директорлигига И.М.Слудский, бош инженер этиб Т.С.Кикодзе тайинланади. Термиз темир йўли қурилишининг умумий қиймати, Коволевский ҳисоб-китобига қараганда, 26 млн 534 минг 467 рубль⁸⁴,

⁸¹ Холикова Р. Россия – Бухоро: тарих чорраҳасида. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – Б.211.

⁸² Заря Сурхана. 1996 г. 12 апрель.

⁸³ Холикова Р. Россия – Бухоро: тарих чорраҳасида. – Б.213.

⁸⁴ ўша жойда.

А.Мажлисовнинг «Аграрные отношения в Восточной Бухаре в XIX начала – XX века» асарида 18 млн сўм деб қайд этилган.⁸⁵

1914 йилнинг апрель оyi ўртасига келиб тупроқ ишларини бажарувчи дастлабки 400 бухоролик ишчи қурилиш худудига келишди.⁸⁶ Қурилишга жалб этилганларга белгиланган иш ҳақи тўланмаслиги ва иш шароитининг оғирлиги натижасида ишда сифат бўлмади, шу сабабли Бухоро амири уларни чақириб олиб, Қоратегин беги Нейматуллабекка қоратегинларни темир йўл қурилишига сафарбар этиш тўғрисида фармон берди. Темир йўл қурилишига қатнашаётган ҳар бир ишчи учун иш ҳақи темир йўл бошқармаси томонидан ажратилган. Бухоро ҳукумати 1914 йилнинг апрель, май, июнь ойлари учун ҳар бир ишчига тупроқ ишларини бажаргани учун 0,75 тийиндан эмас, балки 1 рубль 50 тийиндан тўлашни талаб қилган, узоқ тортишувлардан кейин 1 рублдан ҳақ тўлашга келишилган⁸⁷ ва маблағ Нейматуллабек ихтиёрига ўтказилган. Нейматуллабек темир йўл қурилишига қатнашаётган ишчига иш ҳақи тўламасдан, уларни ҳарбий тайёргарлик кўриш учун қилинаётган иш сифатида қурилишига сафарбар этди. 2 – 3 мартадан навбат билан қатнашган деҳқонлар ишнинг оғирлиги ва иш ҳақи тўланмаслигидан азоб кўрдилар ва Нейматуллабек устидан губернаторга шикоят қилдилар. 1914 йил давомида темир йўл қурилишида бир неча марта иш ташлашлар бўлди. Жамият ишчиларнинг талаб ва истакларини инобатга олиш ўрнига улардан воз кечиб, Боқудан, Эрондан ишчилар таклиф этдилар. Инженер Кикодзе томонидан шартнома

⁸⁵ Мажлисов А. Аграрные отношения в Восточной Бухаре в XIX – начале XX века. – Душанбе-Алма-Ата, 1967. – С.191.

⁸⁶ Ахмеджонова З.К. К истории строительства железных дорог в Средней Азии (1880 – 1917). – Ташкент: Наука, 1965. – С.81.

⁸⁷ Холиқова Р. Россия – Бухоро: тарих чорраҳасида. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – Б.215.

тузилиб келинган 2000 эронлик ишчилардан 226 таси келди. 1914 йилнинг август ойида уларнинг 116 таси қолди.⁸⁸

Темир йўл қурилишида ишчи кучи етмаслигини бартараф этиш мақсадида инженер Т.С.Кикодзе генерал-губернаторга мурожаат қилиб маҳаллий турмаларда сақланаётган бандилардан фойдаланишга рухсат сўради. Маълумотларга қараганда, Тошкент турмасидан 36, Фарғонадан 60, Қўқондан 30, Намангандан 10, Скобелевдан 20, Самарқанддан 100, Каспийорти вилоятидан 256 банди темир йўл қурилишига жалб этилди.⁸⁹ Темир йўл қурилишига жалб қилинган маҳбуслар касб малакасига эга эмасди, озодликдаги ишчи-деҳқонлар сингари меҳнат қилмасдилар. Қолаверса, қурилишга ҳарбий асирлар ҳам сафарбар этилди. Улар ҳисобига ишчилар сони 6 минг кишига етди.⁹⁰

1916 йил июль ойига келиб ишчилар сони 7 минг кишига етказилди.⁹¹ Термиз темир йўли қурилишига маҳаллий миллат вакиллари билан бир қаторда [австралиялик](#), испаниялик, германиялик ҳарбий асирлар қатнашди. Туннел лойиҳалари бўйича Италия инженерлари, темир йўл тузилиши бўйича [австралиялик](#) мутахассислар ишлади. 1916 йил 14 июлда 573 верстни ташкил қилган қурилиш ниҳоясига етди. Когон – Термиз темир йўлининг 150 версти афғон чегараси бўйлаб ўтди.⁹²

⁸⁸ Ахмеджонова З.К. К истории строительства железных дорог в Средней Азии (1880 – 1917). – Ташкент: Наука, 1965. – С.83.

⁸⁹ Заря Сурхана. 1995 г. 13 июль.

⁹⁰ Холикова Р. Россия – Бухоро: тарих чорраҳасида. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – Б.216.

⁹¹ Ахмеджонова З.К. К истории строительства железных дорог в Средней Азии (1880 – 1917). – Ташкент: Наука, 1965. – С.87.

⁹² Холикова Р. Россия – Бухоро: тарих чорраҳасида. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – Б.217.

Шундай қилиб, чор ҳукумати ҳарбий стратегиясини кўзлаб амалга оширилган Термиз темир йўли, Бухоро, хусусан, Сурхон воҳаси иқтисодида, савдо-сотик ривожда муҳим аҳамиятга эга эди. Ўрта Осиёда XIX аср охири – XX асрнинг дастлабки ўн йилларида барпо этилган темир йўллар тизими Россия империясининг Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро ва Хива хонликлари билан савдо-сотик алоқалари фаоллашувига олиб келди.

I.2. Бухоро амирлигида ички савдо алоқалари.

Бухоро амирлиги Ўрта Осиёдаги энг қадимдан савдо - сотик ривож топган худуд ҳисобланади. Маълумки этнослараро алоқаларда савдо-сотик бўладиган ерлар–бозорларнинг аҳамияти беқиёс. Тарихий мнбаларнинг гувоҳлик беришича, Ўрта Осиё шаҳарларида бозорлар ихтисослашиб, профессионал машҳулотга айланган ҳолда IX –X асрларда пайдо бўлган ва XV асрнинг охири ва XVI аср орасида янада ривожланган. Айниқса, бу даврда ички ва ташқи савдо ҳам ривожланади ва бу ҳолат, хусусан, Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарларнинг қиёфасида ёрқин намоён бўлади. Биз татқиқ қилган даврга келиб, мамлакат миқёсида йирик ва майда бозорлар фаолияти жадаллашди.

Одатда, шаҳарларнинг мавжудлигини ва юрт аҳолисининг тўкин ҳаётини бозорлар кўрсатган. Бозорларнинг катта- кичиклиги, бойлиги ва бошқа жиҳатлари шаҳарларнинг мамлакатда тутган ўрни ва сиёсий вазият билан боғлиқ бўлган.⁹³

Ўрта Осиё бозорлари қурилиши жиҳатидан бир қанча умумий хусусиятларга эга бўлган. Одатда, бозорлар одамлар гавжум бўладиган шаҳарнинг марказий қисмида катта кўчалар кесишган ерларда ва кўчалар бўйлаб барпо қилинган. Йирик шаҳарларда тижорий ишлаб чиқаришни ўзида акс эттирган битта асосий бозор

⁹³ Агзамова Г.А. Сўнги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида хунармандчилик.–Б.39.

бўлган. Бундай бозор кўпинча асосий кўчалар кесишадиган жойларда ўрнашган бўлиб, чорсу деб юритилади. Чорсулар, асосан, усти ёпиқ гумбазли бозорлар бўлиб, уларнинг майда остки бўлимларида маълум моллар сотилар эди. XIX аср манбаларида Самарқанд Чорсусига Регистон яқинидаги чорраҳада жойлашган усти ёпилган ва ҳар томондан чиқиш мумкин бўлган ғиштдан қурилган иншоат деб таъриф берилса, Шаҳрисабз ва Қарши Чорсуси “ унча катта бўлмаган, усти гумбаз билан ёпилган айлана шаклидаги иншоатдир”-деб таърифланади.⁹⁴

Бундан ташқари, форс тилида ёзилган манбаларда чаҳарбозор(чорбозор) деган сўз ҳам учрайди. Тим, тоқ кўринишидаги куббали бозорлар ҳам бўлган. Шарқ бозорларининг топографик жиҳатдан жойлашиши диққатга сазовор. Шаҳарнинг марказий қисмида, асосан заргарлар, саррофлар, темирчилар, турли кийим-кечак билан савдо қилувчи ва бошқа бозорлар жойлашган бўлса,қишлоқ хўжалиги ва чорва бозорлари шаҳарнинг четида ёки унинг ташқарисида жойлашган. Бухоро амирлигининг барча ҳудудларида ички бозорлар актив фаолият олиб борган ва ҳафтада икки кун фаолият кўрсатган. Қоракўлда пайшанба ва якшанба,Чоржўйда душанба ва пайшанба, Керкида чоршанба ва якшанба, Келифда душанба ва жума, Шерободда пайшанба ва якшанба, Бойсунда душанба ва пайшанба, Ғузорда пайшанба ва якшанба, Қаршида сешанба ва шанба,Чироқчида чоршанба ва якшанба, Шаҳрисабзда душанба ва пайшанба, Яккабўғда чоршанба ва якшанба, Китобда сешанба ва шанба кунлари бўлган.⁹⁵ Бекликлар орқали бўладиган ички савдо алоқаларида, ҳар бир ҳудуд учун зарур бўлган маҳсулотлар айрибошлаш муҳим аҳамият касб этган. Масалан, Тўполанг бассейни орқали қўй ва эчкилар Шаҳрисабз ва Самарқандга олиб бориб сотилган ва унинг бозорларидан ҳунармандчилик

⁹⁴ Хорошхин А. Самарқанд(Листки из памятной книжки)...–С.193.

⁹⁵Гинтылло . Индендантская сведения о Бухаре 1885г.\\ Сборник геог.,топогр. И стат материалов по Азии.–СПб.,1889.– С.4-43.

махсулотлари харид қилинган. Боғдорчилик маҳсулотлари, хусусан Ҳовуз, Сина, Вахшиворликлар майизни Кўлобга олиб боришган ва ўз навбатидан у ерлардан хусусан Қоратоғдан олача матоси харид қилишган.⁹⁶Ургутдан октябр ойининг ўрталарида келган савдогарлар. Денов беклигида етиштирилган майизларни ёппасига харид қилганлари ҳолда рус матолари чит ва тикка алмашишган. Бойсун қандолатчилари тайёрлаган ҳолва Ғузур ва Келиф бозорларида сотилган бўлса. Бойсун ҳунармандлари томонидан тайёрланган ипак ва ярим ипак алача матолари Самарқанд, Тошкент ҳатто Афғонистон ва Ҳиндистонда ўз харидорига эга бўлган.⁹⁷ Сурхон воҳаси қишлоқ хўжалиги ва чорва маҳсулотлари етиштириш бўйича Бухоро хонлигида ўз ўрнига эга бўлган. Агарда хонликда асосий ғалла бозорлари Бухоро ва Қарши саналса, ундан кейин Ғузур, Юрчи, Денов ва Шеробод бозорлари турган. Воҳада етиштирилган ғалла маҳсулотлари Бойсун шаҳри орқали Қаршига, Шеробод шаҳри орқали Қаршига олиб борилган.⁹⁸Маълумотларга қараганда, ҳар йили Қаршига 1000 туя гуруч, буғдой, кунжут, зиғир каби умумий оғирлиги 15000 пуд бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жўнатилган.⁹⁹ Сурхон воҳасининг қўшни бекликлар билан бўладиган савдо алоқаларида чорва маҳсулотлари ҳам алоҳида ўрин тутган. Шарқий Бухородан йиғилган чорва моллари Миршоди бозорида тўпланган. Миршоди бозорига йиғилган қўй ва эчкилар Бойсунга сўнгра Ғузур ва

⁹⁶ Кармышева Б.Х. О торговле в Восточных бекствах Бухарского ханства в начале XX в. в связи с хозяйственной специализацией // Товарно-денежные отношения на Ближнем и Среднем Востоке в эпоху средневековья. - Москва: Наука, 1979, - С.119/

⁹⁷ Ўша жойда. - С. 117.

⁹⁸ Полк. Галкин. Краткий военно-статистический очерк в Бухарском ханстве и в южной части Самаркандской области // Сб. геог. топог. и статист. Мат. по Азии. Вып. 57. - СПб., 1894. - С.19. .

⁹⁹ Сб. геог. топог. и статист. Мат. по Азии. Вып. 57. - СПб., 1894. - С.374. .

Қаршига ҳайдалган. Ҳар йили воҳадан ўртача 10000-20000 бошгача чорва моллари ҳайдаб кетилган¹⁰⁰.

Сурхон воҳасининг иқтисодий ҳаётида ички савдо йўллари ва савдо-сотиқнинг алоҳида ўрни бор. Тоғ ва тоғ ҳудудлари аҳолисининг текисликларда яшайдиган аҳоли билан савдо алоқалари актив суръатда олиб борилган. Савдо алоқалари асосан шаҳар марказларида аҳоли гавжум жойлашган ерларда ташкил қилиниб деярли воҳанинг барча ички бозорлари ҳафтанинг икки кунда фаолият юритган ҳамда бу бозорларга қўшни бекликлардан ва қишлоқлардан турли қишлоқ хўжалик, чорва ҳамда хунармандчилик маҳсулотлари олиб келиниб, кўпинча маҳсулот айрибошлаш йўли билан савдо-сотиқ ишлари амалга оширилган. Сурхон воҳаси бекликларидаги энг катта бозорлар Термиз, Шеробод, Денов ва Бойсун бозорлари эди. Булардан ташқари маҳаллий аҳамиятга эга бўлган бозорлар ҳам бўлиб аҳолининг бозор маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга хизмат қилар эди. Шеробод беклигинининг тоғли Кўҳитанг қишлоғидаги бозор ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари фаолият юритиб, бу бозорга Амударёдан Ғузоргача бўлган ерлардан аҳоли чорва, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш ва эвазига Ҳунармандчилик маҳсулотлари харид қилиш учун келади.¹⁰¹ Эътиборли томони шундаки айнан бугунги кунда ҳам бу бозор фаолият юритиб, асосан чорва ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотишга ихтисослашганлиги билан ажралиб туради.

Сурхон воҳаси аҳолисининг катта қисми тоғ ва тоғ олди ҳудудларида истиқомат қилиб. Улар асосан боғдорчилик, мева-сабзавотчилик ва чорвачилик ҳамда уй

¹⁰⁰ Сб.геог.топог. и статист. Мат.по Азии.Вып. 57.-СПб.,1894.-С.376.

¹⁰¹ Маев Н.Рекогносцировка горных путей по Бухарскому ханству\Известия ИРГО.-СПб..1879.Т.XV.-С91.

хунарманчилиги билан машғул бўлганлар. Шу сабабли тоғда истиқомат қилаётган аҳоли ўзида етиштирилган маҳсулотларни сотиш ва айрибош қилиш учун текисликларда истиқомат қилаётган аҳоли билан савдо-сотик қилишган. Денов беклигининг Денов, Юрчи, Дашнобод, Сарисийе катта бозорлари ҳисобланиб, бу бозорларга нафақат бекликнинг турли амлокликларидан балким қўшни бекликлардан ҳам савдогарлар ва деҳқон, чорвадорлар келиб савдо-сотик ишларини амалга оширганлар. Бекликдаги энг катта бозор Денов бозори бўлиб. Унда 100га кичик дўкончалар бўлиб, унда турли хил майда-чуйда нарсалар сотилган ва ҳафтанинг душанба ва пайшанба кунлари фаолият юритган. Бундан ташқари маҳсулотлар сақлайдиган учта катта сарой ҳам айнан бозор ичида жойлашган.¹⁰² Юрчи ва Денов Бухоро, Қарши бозорларидан кейин дон маҳсулотлари сотиш ва катта миқдорда захирада бўлиши билан кейинги ўринда турган¹⁰³ Бекликнинг тоғ қишлоқ аҳолиси (Ҳовуз, Сина, Вахшивор) ўзлари етиштирган узумларни маҳаллий яқин бозорларга чиқаргани ҳолда, қуритилган узумни (майиз) Қорлик, Денов, Юрчи бозорларига ҳам олиб боришган ва ўз навбатида у ерлардан ўзларига керакли маҳсулотларни хусусан Бойсундан темир белкураклар яъни қишлоқ хўжалиги, уй-рўзғор учун зарур меҳнат қуроқларини харид қилишган.¹⁰⁴ Бундан ташқари тоғ халқи аҳолиси пахта толасини сотиб олишга алоҳида эътибор берганлар, сабаби узоқ қиш

¹⁰² Сов.Петрова. Реконгносцировка Бухарских владений. \\Сбор. геог. топогр. и стат. матер. по Азии. Вып. XX1.- СПб..1888.-С.85.

¹⁰³ Полк.Галкин. Краткий военно-статистический очерк в Бухарском ханстве и в южной части Самаркандской области \\Сб. геог. топог. и статист. Мат. по Азии. Вып. 57.-СПб.,1894.-С.19. .

¹⁰⁴ Кармышева Б.Х. О торговле в Восточных бекствах Бухарского ханства в начале XX в. в связи с хозяйственной специализацией \\Товарно-денежные отношения на Ближнем и Среднем Востоке в эпоху средневековья.- Москва:Наука,1979,-С.120..

кунлари тоғ аёллари пахта йигириб уни калавалаганлар, маълум қисмини маҳаллий бўзчилар тўқиган бўлсалар катта қисми бозорларга чиқарилган. Масалан; Сангардак ва Чанглоқ аҳолиси боғларида етиштирилган ёнғоқ, олма, нок каби ҳўл меваларни Шарқий Бухородаги энг катта пахта толаси ва калава иплари сотиладиган Шеробод бозорига олиб келиб сотганлар. Бу бозордан пахтанинг “кўк ёнғоқ” “навини харид қилганлар. Денов беклиги савдогарлари Шеробод беклигига қуйидаги йўналишлар орқали боришган. Каптархона-Пастундара-Миршоди, Тангимуш-Бандихон, Кармак-Гилямбоб-Қизирикдала орқали Шерободга чиқилган.¹⁰⁵ Сангардакликлар ўрик ва олмани Юрчи ва Паттакесар бозорларида ҳам сотишган. Юрчи бозорларидан сопол идишлар. Паттакесардан эса фабрика матоларини харид қилишган.¹⁰⁶ Деновдан йўлга чиққан савдогар Паттакесаргача қуйидаги қишлоқлар орқали ўтган. Деновдан Олатемиргача 23 км (22 верст) бўлиб, у бошидан охиригача қумли-тупроқли, 4-6 кмларда оддий услубда қурилган кўприк орқали ўтилади. 4-17-22 кмларда сойликлар бўлиб, улар қор эруви пайтида тўлиб оқади, бошқа пайтларда арава орқали бемалол ҳаракатланса бўлади. Олатемирдан-Қумқўрғонгача 35.5 км (33.5 верст) Қумқўрғондан-Арпапоягача 17 км (16 верст). Арпапоядан-Жарқўрғонгача 22 км (21 верст) бўлиб, бу йўллар Сурхон дарёси ёқалаб ўтган, қумли-тупроқли. Арпапоя-Жарқўрғон йўли 4 кмда иккига бўлиниб, бири Сурхон дарёси яқинидаги тепалик бўйлаб, иккинчиси текислик бўйлаб ўтиб, Оққўрғон қишлоғига келиб бирлашади.

¹⁰⁵ Кап. Лициенталь. Гиссарское и Кабадианское бекства. \\Сбор. геог. топогр. и стат. материалов по Азии. Вып. 57.- СПб., 1894.-С.312.

¹⁰⁶ Кармышева Б.Х. О торговле в Восточных бекствах Бухарского ханства в начале XX в. в связи с хозяйственной специализацией \\Товарно-денежные отношения на Ближнем и Среднем Востоке в эпоху средневековья.- Москва: Наука, 1979,-С.123-124.

Жаркўрғондан-Солиҳободгача 27.5 км (26 верст).Солиҳободдан-Паттакесаргача 9км(8.5 верст) бўлиб юк ташиш ва арвалар юриши учун қулай.¹⁰⁷

Бойсун беклигидаги энг йирик бозорлар Бойсун, Дарбанд ва Хўжаипок бозорларидир. Бойсун воҳанинг хунармандчилик дехқончилик ва чорвачилик ривожланган бекликларидан бири ҳисобланади. Бойсун хунармандлари тўқиган ипак ва ярим ипак олача матолари билан машҳур бўлиб, улар бу матоларни маҳаллий бозорлардан ташқари ҳудудларда ҳам сотишган. Темирчи усталари томонидан қишлоқ хўжалик, чорвачилик ва уй-рўзғор учун тайёрланган хунарманчилик маҳсулотлари қўшни беклик бозорларида ҳам ўз харидорини топа олган. Бойсун хунармандчилигининг муҳим тармоқларидан бири қандолатчиликдир. Қандолатчилар томонидан тайёрланган ҳолва Кичик Ўридарё ва ҳатто Кўҳитангдарё бўйларидаги қишлоқ ва овулларга олиб бориб сотишган. Кўҳитангда ҳолвани пахтага алмашишган.¹⁰⁸Бойсун тоғ қишлоқ аҳолиси етиштирган узум, ўрик, олма, нок маҳсулотларини ёз ойларида чорва молларини ҳайдаб келган кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолига сотганлар.Улар боғдорчилик маҳсулотларини қаерда пахта арзон бўлса ўша ерга бориб сотишга ҳаракат қилганлар. Шеробод, Кўҳитанг, Денов бозорлари улар учун маъқул ҳисобланган. Бойсун беклиги билан Шеробод беклиги ўртасида ҳаракатланадиган карвон йўли нафақат ички савдода балким ташқи савдода ҳам муҳим ўрин тутди. Бекордан бу йўлни катта карвон йўли деб

¹⁰⁷ Поруч.Караульщикова. Маршрут от г.Денау до Патта-Гиссара.\\Сбор.геог. топогр. и статис. материал. по Азии. Вып.57.-С.394-398.

¹⁰⁸Кармышева Б.Х. О торговле в Восточных бекствах Бухарского ханства в начале XX в. в связи с хозяйственной специализацией\\Товарно-денежные отношения на Ближнем и Среднем Востоке в эпоху средневековья.- Москва:Наука,1979,-С.120..

аташмайди.¹⁰⁹ Шеробод-Бойсун карвон йўли тоғ бағирлаб ўтган бўлсада, кескин кўтарилишлар ёки пастга тушишлар йўқ. Шерободдан Лайлогон қишлоғига 17 км (16 вёрст) бўлиб, бу йўл Шеробод дарёсининг ўнг қирғоғи бўйлаб кетган. Дастлаб Нондахана дараси бошланиб, ундан сўнг Пошхўрт, Хўжаулкан, Ғуржак, Калламосор қишлоқларидан ўтиб Лайлогон қишлоғига чиқилади. Лайлогондан - Газагача 22км(21вёрст). Лайлогон қишлоғидан сўнг Эгарчи, Шодибой қишлоқлари келади. Ундан кейин Чилонзор, Қуруксой, Томчи камарсув, Кўрқудуқ сув, Тошлиқсув сойларини кесиб ўтиб Газан қишлоғига ўтилади. Газан қишлоғидан то Бойсун шахригача 32 км (30 вёрст). Узуназда, Тандасой, Мунчок сойни кесиб ўтиб Мунчок қишлоғига, ундан сўнг Сутупа-сойни кесиб ўтиб Хўжабулғон қишлоғига ўтилади. Ундан сўнг Шеробод дарёсидан кечиб ўтиб, Тўданасой ёқалаб 21 кмда Работ қишлоғидан Дарбанд қишлоғи сари борувчи йўлни кесиб ўтади, 22 кмда Булок қишлоғи сари борувчи йўлни кесиб ўтади. 29 кмда унча катта бўлмаган довонга кўтарилиб Бойсун шахрига кириб борилади.¹¹⁰ Бойсун беклиги аҳолиси ва савдогарлари Деновга қуйидаги йўллар орқали боришган. Биринчи йўл тоғ ёқалаб, маҳаллий шароит билан таққослаганда тўғри ва қулай йўл бўлиб, Қизил газли, Кампир, Анкадут, Даштиғоз ва Чоштепа орқали ўтган. Охириги қишлоқда йўл паст-баландликлардан иборат бўлиб, Бўритахта тизмасига олиб ва Чоштепа қишлоғида Бойсунга олиб борувчи йўлга Дарбанд йўли қўшилган. Иккинчи йўл Бойсунтоғ массивига кирувчи Қайроқбел тоғ олди бўйлаб, Бойсундан Деновга ўтган. Қайроқбел йўли “ Улоқ ўйнар” номини олган. Ушбу ном бу йўлнинг анча қийинчилигини, кескин баландликка кўтарилиш ва пастга тушиш жойлари

¹⁰⁹ Сов.Петрова. Реконгносцировка Бухарских владений.\\Сбор. геог.. топогр.и стат. матер.по Азии.Вып.ХХ1.- СПб..1888.-С.80.

¹¹⁰ Кап.Васильев. Маршрутное описание дороги от г.Ширъабада до г.Байсуна 1889 г.\\Сб.геог. топог. И стат. мат.по Азии.Вып.57-СПб.,1894.-С.405-406.

кўплигини билдиради. ” Улоқ ўйнар” йўли Қорлиқ дараси орқали Денов беклигига қарашли Қорлиқ қишлоғига чиққан. ¹¹¹ Умуман олганда, Бойсун беклигининг Шеробод ва Денов бекликлари билан олиб бориладиган савдо алоқалари ўнлаб қишлоқ йўллари орқали ўтиб, ўз-ўзидан бу қишлоқлар аҳолиси ҳам бекликлар ўртасидаги савдо алоқаларида актив иштирок этадилар. Бойсун бозори ҳафтанинг душанба ва пайшанба кунлари бўлган. Рус татқиқотчилари тўплаган маълумотларга қараганда ғалла маҳсулотлари пишиб етилгандан сўнг уни қуйидаги нархларда харид қилиш мумкин бўлган: Тирамои(кузги)-250 ботмон буғдойни ҳар ботмонини 3 рубл 20копейкадан-4 рублгача, лалми-250ботмон буғдойнинг ҳар ботмонини 3 рубл 76копейкадан-4рубл 70 копейкагача тарикни 2 рубл 80 копейкадан-3 рубл 29 копейкагача 5000 боғгача бедани ҳар 100 боғини 3рубл 50 копейкадан-4рубл 11копейкагача 800 пудгача сомонни ҳар пудини 20 копейкадан-23 копейкагача 50 эшак ўтин ёки-200пуд ўтин бир эшакка ортилган ўтин(4 пуд) 30 копейкадан-35 копейкагача бўлган нархларда сотилган. Беклик чорвачилик ривожланган ҳудуд бўлгани учун 5 ёшли сигир 16(18рубл80 копейкадан) рублдан-20(23 рубл50 копейкагача)рублгача. Қўйлар семизлигига қараб 4 (4рубл70 копейкадан) рублдан-8 (9 рубл40копейкагача) рублгача от 26 (30 рубл 55копейкадан) рублдан-40 (47 рублгача) рублгача нархларда сотиб олиш мумкин бўлган. Харидорларнинг талаби ва эҳтиёжига қараб ой давомида 50 сигир, 500 қўй, 20 от сотиш имкони бўлган. Бундан ташқари савдогарлар ва бошқа ҳожатбарорларга 50татуя кунлик кира ҳақи 80копейкадан-94 копейкагача, 100та эшак кира ҳақи 40 копейкадан-47 копейкагача нархларда ёллаш имкони бўлган. ¹¹²

¹¹¹ Қобилов Э.Россия ташқи муносабатларида Сурхон воҳасининг стратегик ўрни.\\Республика илмий-назарий конференция материаллари.-Қарши,2010.-Б.191.

¹¹² Кап.Гинтылло. Сведения по интендантской части,собранные в Бухарском ханстве.\\Сбор.геог.топогр. и статист.материалов по Азии.Вып.ХХ1.-СПб..1886.-С.28.

Воҳадаги йирик ва гавжум бозорлар Шеробод беклиги бозорлари ҳисобланади. Айниқса бекликнинг катта қисмида рус армияси ва фуқароларининг истиқомат қилиши ҳамда Шарқ давлатлари билан Россия ўртасида савдо алоқаларига эътиборнинг ошиб бориши.бунда Шеробод. Термиз, Паттакесар бозорларининг омбор вазифасини ўташлари энг муҳими Темир йўл тармоғининг кириб келиши савдо-сотиқнинг жадал ўсишига олиб келди. Бу эса бу бозорларнинг дунёнинг турли мамлакатлардан, хусусан Россия фабрикаларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлиб боришига имкон берди. Бекликда унинг амлоқдорликлари марказларида Хатак, Пошхўрд, Зарабоғ, Кўҳитанг, Жаркўрғон, Какайди ва Хўжамаликда бозорлари бўлган. Паттакесар бозори анча гавжум бозор бўлиб. бу ерда Россиядан фабрикаларида ишлаб чиқарилган матоларни анча қулай нархда сотиб олиш имкони бўлган. Беклик маркази саналмиш Шеробод шаҳри дон маҳсулотлари ва пахта сотишда энг катта бозор саналган. Бу бозорга воҳада етиштирилган пахтадан ташқари. Келиф беклигидан пахта сотиш учун айнан шу бозорга олиб келинган. Шеробод бозори якшанба ва пайшанба кунлари ишлаган. Чор амалдорлари томонидан бу бозор фаолияти анча синчиклаб ўрганилган. Ҳар бозор буғдойнинг лалми ва тирамои(кузги) турининг ҳар биридан 250 ботмондан янги ҳосил йиғилган пайтда 500 ботмонгача, лалми буғдойнинг ҳар ботмони 3 рубл 60 копейкадан-4 рубл 23 копейкагача, тирамои буғдойнинг ҳар ботмонини 2рубл80копейкадан-3рубл29 копейкагача, ёрма 15 ботмонгача 8 рублдан-9рубл 40 копейкагача, ун 25 ботмонгача 3рубл80копейкадан, лалми буғдойдан тайёрлангани 4рубл 47 копейка, тирамои буғдойдан тайёрлангани 3рубл 53 копейка, арпа 250 ботмонгача ҳар ботмони 2 рублдан-2рубл 35 копейкагача.ҳар 100 боғ беда 3рублдан-3рубл53 копейкагачаҳар 4 пуд сомон 20копейкадан-23 копейкагача нархларда сотилган.

Янги ҳосил йиғиштириб олинадиган ёз ойларида Бутун Шеробод беклигида 20.000 ботмон буғдой, 10.000 ботмон арпа, 1000 ботмон гуруч ёрмасини(октябр ойида) сотиб олиш мумкин бўлган.¹¹³

Бозорда ўтин ҳам сотилган. Беклик аҳолиси ёқилғи сифатида юлғун ишлатади. Тоғлардан туя(12 пуд) билан олиб келинган ўтин ёз ойларида 50 копейкадан .қишда 60 копейкадан-70 копейкагача сотилади. Агар талаб бўлса 1.200 пуд ёки 100 туя ўтин билан бозорни таъминлаш имкони бўлган. Шеробод беклигининг йирик марказларидан бири бўлмиш Термизга ўтин асосан Қўрғонтепа. Қабодиён бекликлари ва Жиликўл амлақдорликларидан қайиқлар ёрдамида олиб келинган.¹¹⁴ Шеробод бозорида кундалик эҳтиёж маҳсулотлари қуйидаги нархларда сотилган:

Кўк чой 1 фунти 1рубл 40 копейкадан-1 рубл 65 копейкагача. Ҳар бозор 6 фунтгача чой сотиб олиш мумкин.

Туз ботмони 40 копейкадан-47 копейкагача, 15 ботмонгача туз сотиш мумкин.

Пиёз пуди 25 копейкадан-30 копейкагача, 4 пудгача сотилган.

Совун пуди 4рубл 60 копейкадан-5 рубл 40 копейкагача, 4 пудгача сотиш мумкин.

Маҳаллий тамаки(носвой) пуди 1рубл 60 копейкадан-1рубл88 копейкагача. Бозор кунлари бир неча фунт сотиш мумкин.

¹¹³Кап.Гинтылло. Сведения по интендантской части.собранныя в Бухарском ханстве.\\Сбор.геог.топогр. и статист.материалов по Азии.Вып.ХХ1.-СПб..1886.-С.25.

¹¹⁴ Ўз Р МДА.126-жамғарма.2-рўйхат.381-иш.1-варақ.

Мол гўшти пуди 1 рубл 60 копейкадан-1 рубл 88 копейкагача, қўй гўшти пуди 2рубл дан-2рубл 35 копейкагача, Қўй ёғи(қуйруқ) 4рублдан-4 рубл 70 копейкагача. Куз ойлариди бозор кунлари гўшт 8пудгача, қуйруқ 1 пудгача сотилган.

Шеробод аҳолисининг катта қисми тоғ ва тоғ олди худудларида истиқомат қилгани учун чорвачилик хўжаликларнинг муҳим тармоғи бўлганлиги сабабли аҳолининг катта қисми қўй, қорамол боқиб уни бозорга чиқарган, шу сабабли катта мол бозори бўлиб унда чорва моллари қуйидаги нархларда сотилган. 5 ёшли қорамол 12(14 рубл 10 копейкадан) рублдан-20(23 рубл 50 копейкагача)рублгача, қўй 4(4 рубл 70 копейкадан)рублдан-6(7 рубл 5 копейкагача)рублгача, от 30(35руб25 копейкагача)-40 (47 рублгача) рублгача, туя 40 (47 рублдан) рублдан-60 (70 рубл 50 копейкагача) рублгача баҳоланган. Ҳар бозор куни 10 сигир,150 тадан-200 тагача қўй сотилган. Харидорлар талабига асосан ой давомида 100та сигир 5.000 қўй.100 тагача от ва туя сотиш мумкин бўлган. Шеробод беклигида огир юк ташишда асосан туялардан фойдаланилган.Бу ишларни бажариш учун киш ойларида 1000тагача, бошка пайтда 500 тагача туя ёллаш мумкин бўлган. Туяларни ижарага олиб ойлар давомида ишлатиш мумкин бўлган ва улар учун ҳам маълум бир нарх белгиланган. 16 пуд юк кўтарадиган туя учун кунига 80 копейкадан-94 копейкагача кира ҳақи белгиланган. Оғир юк ёки ғалла маҳсулотларини ташишда қуйидаги нархлар белгиланган: Масалан: Ғузор шаҳригача 2 рубл 60 копейкадан-3 рубл 5 копейкагача¹¹⁵.Шерободдан Ғузорга бориш учун авваломбор Работок орқали Оққўрғонга. Карвонтушди-Бандихон-Қўлқамиш ва Бойсун орқали Дарбандга

¹¹⁵ Кап.Гинтылло. Сведения по интендантской части,собранные в Бухарском ханстве.\\Сбор.геог.топогр. и статист.материалов по Азии.Вып.ХХ1.-СПб..1886.-С.26-27..

чиқилган¹¹⁶ ва Дарбанддан -Окработ қишлоғига-Чашмаихофизон қишлоғи-Тангихорам қишлоғи-Қўшилиш қишлоғи ва ундан Ғузур шахрига кириб борилган¹¹⁷.

Шерободдан-Чўчкагузар кечувигача йўл ҳақи 1рубл 60 копейкадан-1 рубл 88 копейкагача.¹¹⁸ Маълумки. Чўчкагузар кечуви Шимолий Афғонистон билан олиб бориладиган савдо алоқаларида муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли Шеробод бозоридан Чўчкагузар кечуви томон карвонлар ҳаракати тўхтовсиз ҳаракатда бўлган. Шеробод –Чўчкагузар карвон йўли ниҳоятда қулай йўл бўлиб, бутун йўл давомида 50 хўжалик истиқомат қиладиган Бешқўтон қишлоғи мавжуд.¹¹⁹ Хуллас. бекликлар ва ички савдо алоқаларида маҳаллий аҳоли томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва ҳунармандчилик маҳсулотлари етакчи ўринин эгаллаган. Бозорларда асосан халқнинг кундалик ҳаёти учун зарур бўлган энг муҳим маҳсулотлар нақдга ва кўпинча товар айрибошлаш йўли билан сотилган. Маҳсулотларни сотиш ва сотиб олишда товар айрибошлаш муҳим ўрин тутган.

¹¹⁶ Маев Н.А.Рекогносцировка горных путей по Бухарскому ханству.\\Известия ИРГО.Т.ХУ.-СПб..1879.-С.87-99.

¹¹⁷ Подполковник Матвеев. Поездка по Бухарским и Афганским владениям (1877) // Сборник геогр. топогр. и стат. материалов по Азии. Вып.V. – СПб.: Воен. тип., 1883. – С.29 – 33.

¹¹⁸ Кап.Гинтылло. Сведения по интендантской части.собранные в Бухарском ханстве.\\Сбор.геог.топогр. и статист.материалов по Азии.Вып.ХХ1.-СПб..1886.-С.26-27..

¹¹⁹ Кап.Васильев. Маршрутное описание дороги от Келифа до Патта-Киссара.Вып.57.-СПб..1894.-С.404.

II. Боб. Бухоро амирлигининг Россия ва Шарқ давлатлари билан иқтисодий алоқалари ва уларнинг муҳим жиҳатлари.

II.1. Бухоро ва Россия иқтисодий ва савдо алоқалари тарихидан.

XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Қозон ва Астрахань хонликлари Москва давлатига қўшилиб, бу давлатнинг чегаралари Ўрта Осиёга яқинлашиб қолганидан кейин, Ўрта Осиё хонликлари Бухоро, Балх, Хива хонликлари билан Россия ўртасидаги савдо-сотиқ муносабатлари мустақамланиб, доимий тус олади. Бухоро ва Хива хонликлари кучли ва қудратли давлат бўлмиш Москва Руси билан нормал ва доимий савдо-сотиқ ҳамда дипломатия муносабатлари ўрнатишга интилиб келдилар. Бу даврда Бухоро ва Хива савдогарлари ўз молларини келтириб тўрган Астрахань Россия давлатининг шаҳри бўлиб қолган эди.

Россия давлатининг Ўрта Осиё хонликлари билан савдо-сотиқ алоқаларини йўлга қўйиш учун зўр бериб қилган ҳаракати ҳам тарих тақозо этган воқеа бўлди. Россия Ўрта Осиё мамлакатлари билан дипломатия муносабатлари билан бир қаторда, эҳтимол кўпроқ даражада, савдо-сотиқ алоқаларини йўлга қўйишга ҳаракат қилди. Бу, Москва давлатининг ички иқтисодий тараққиётининг оқибати эди. Бошқа рус ерлари Москва давлати теварагига бирлашган эди. Иқтисодий марказларнинг вужудга келиши Москва давлатининг иқтисодий жиҳатдан бирлаштирилишига ёрдам берди. Бу, чет давлатлар билан савдо муносабатларини кенгайтириш учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўрта Осиё мамлакатлари-Бухоро ва Хива ҳам Москва Русидан ўз товарларини сотиш учун кенг бозорга эга бўлдилар. Бундан ташқари, ўзаро доим уруш ва адоватда бўлган Ўрта Осиё хонлари қудратли қўшни давлатдан ёрдам ва мадад кутар эдилар.

Ўрта Осиё хонларининг рус давлатларига кўп элчилар юбориб туришларига ҳам шу ҳол сабаб бўлган эди.

Масалан, Бухоро Россияни энг кучли давлатларнинг бири деб, рус подшосини эса, территорияси кенгроқ ва бойлиги камроқ бўлган бошқа мамлакатларнинг ҳукмронларига нисбатан буюк ҳоқон, деб ҳисоблар эди, XVI-XVII асрларда рус давлати Бухорони дўст бўладиган ва Бухоро учун кенг бозор очиб берадиган давлат сифатида қизиқтирар эди. XVII асрнинг биринчи ярмидан бошлаб охиригача Москва билан Ўрта Осиё бир-бирларига савдо-дипломатия элчиларини юбориб турадилар. Бухоро, Балх ва Ургенч савдогарларининг карвонлари Москва давлатига, бу давлатнинг савдо карвонлари эса, Ўрта Осиёга бордилар. XVI- XVII асрларда Ўрта Осиё хонликлари билан рус давлати ўртасидаги элчилик муносабатлари аслида Бухоро билан Россия ўртасидаги савдо-сотик муносабатлари учун характерли форма бўлди.

XVII асрда Бухоро ва Хива элчилари Москвага 16 марта бордилар, рус элчилари, эса, шу давр ичида Хива ва Бухорога 9 марта келиб кетдилар. Элчиларга рус савдогарларининг Хива ва Бухорода меҳмондўстдик билан кутиб олиншини ва эркин савдо-сотик қилишларини таъминлаш, камоққа олинган рус фуқароларини озод қилиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, шунингдек «ўзлари борадиган мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий аҳволи тўғрисида, бошқа кўшни элларга олиб борадиган йўллар ҳақида маълумот тўплаш»¹²⁰ вазифаси юкланган эди.

Рус подшолари, боярлари ва савдогарлари Ўрта Осиёдан ва Шарқдаги бошқа мамлакатлардан қимматли товарлар, шойи-газламалар, гиламлар, қимматбаҳо тошлар, ип-газлама, бадий косибчилик матоларини келтиришдан кўпроқ манфаатдор эдилар. Иван Грозний даврида, 1558-1559 йилларда сайёҳ Антоний Женкенсон Ўрта Осиё

¹²⁰ В.Григорьев, Россиянинг Ўрта Осиёга нисбатан сиёсати, тўплам, I том, 139-бет, 1874 йил

хонликларида эркин савдо-сотик қилиш тўғрисида, бу хонликларга келтирилган рус ва инглиз товарларига солиқ солишда енгиллик бериш ҳақида музокаралар олиб бориш учун Англия ва Россиянинг расмий элчиси сифатида Хива, Бухоро ва Эронга юборилди.

Подшо Михаил Федорович 1620 йилда элчи дворян Иван Хохлов орқали Бухоро хони Имомқулихонга хат юборди. Бу хатда Бухоро савдогарлари қандай ҳуқуқлардан фойдалансалар, рус савдогарлари ҳам шундай ҳуқуқлардан фойдаланишлари лозим, дейилган. Подшо Алексей Михайловичнинг 1669 йилда элчи, Борис Пазухин орқали юборган хатида ҳам савдо-сотик муносабатлари тўғрисида гапирилади. Шундан олти йил кейин Алексей Михайлович янги элчи Василий Дудовни Бухоро хони Абдулазизхон ҳузурига юборди.

Хива ва Бухоро ҳам Россия билан савдо-сотик муносабатлари ўрнатишга ҳаракат қилдилар ва Россияга ўз элчиларини юбордилар. Масалан, Бухоро хони Искандар ва Хива хони Ҳожи Муҳаммад 1563-1569-йилларда Москвага подшо Иван Грознийга созға юбордилар. Уларнинг бундан кузатган мақсади Иван Грознийнинг мазкур хонликлар фуқароларининг Астрахань ва Қозондагина эмас, балки Россиянинг бошқа шаҳарларида ҳам савдо-сотик қилишларига руҳсат беришига эришиш эди.

Бухоро хони Нодир Муҳаммад 1643 йилда элчи Қози Нагай орқали подшо Михаил Федоровичга мактуб юборди. Бу мактубда хоннинг Москва давлати билан савдо ва дипломатия муносабатларини давом эттиришни истаганлиги ҳақида гапирилади. Бухоро хони Абдул Азиз 1671 йилда Бухородан рус элчиси Пазухин орқали подшо Алексей Михайловичга мактуб юборди. Бу мактубда савдо-сотик муносабати ҳақида гапирилган эди. 1557 йилдан тортиб Пётр биринчи подшолигигача (1682 йил) ҳар иккала томон бир-бирларига 36 марта элчи юборди. Бу эса, Ўрта Осиё хонликлари билан Россиянинг савдо-сотик, дипломатия ва яхши қўшничилик муносабатларини

ривожлантиришга очикдан-очик интилганликларини кўрсатади. Тарихий адабиётда Бухородаги рус элчихоналарининг ўз олдиларига қўйган мақсадлари асосан, асир олинган русларни пул эвазига қайтариб олишдан иборат эди, деб нотўғри даъво қилинади. Ҳолбуки, архив маълумотлари савдо-сотик муносабатлари ҳар икки томонни кўпроқ қизиқтирганлигини ва бу савдо-сотикда, даставвал, подшо ва хонларнинг ўзлари иштирок қилганлигини, подшо ва хонлар ўз агентлари орқали кенг миқёсда савдо-сотик билан шуғулланганликларини кўрсатади².

Ўрта Осиё савдогарларининг товар обороти анча кенг эди. Масалан, 1699 йилда бухоролик бир савдогар Нижний Новгородга 1.244 сўмлик газлама келтирган (XVII асрнинг бир сўми олтин ҳисобида 10-15 сўмга (баравар). Ўша даврда асосан Волга бўйи аҳолиси Ўрта Осиё билан савдо-сотик қилар эди. Ўрта Осиё билан савдо-сотик қилишда астраханликлар биринчи ўринда турар эди. Астраханликлардан ташқари Қозонликлар, Нижний Новгородликлар; Саратовликлар, асосан посад кишилари ва Астрахань гарнизонининг майда ҳарбий хизматчилари ҳам Ўрта Осиё хонликлари билан савдо-сотик қилдилар. Ўрта Осиё билан савдо-сотик қилган рус савдогарлари орасида Москванинг бой савдогарлари алоҳида ўрин тутар эди. Рус савдогарларидан баъзилари 1.000 сўм ва бундан ҳам кўпроқ миқдорда савдо операцияси ўтказар эдилар.

Ўзбек хонлари билан рус подшоларининг бир-бирларига юборган совға-ҳадялари ҳам савдо-сотикнинг ўзига хос бир хили эди. Хон ва подшолар ўз мамлакатларидаги энг қимматбаҳо нарсаларни бир-бирларига ҳадя қилардилар. Тўқима буюмлар, ип-газламалар Ўрта Осиёдан чиқарилган асосий моллар бўлиб, тўп-тўп қилиниб ва тикилган кийим шаклида сотилар эди. Ўрта Осиёдан Москва давлатига жуда кўп ип-газлама юборилар эди. Шойи ва ярим шойи-газламалар унча кўп юборилмас эди.

² М. И. И ў л д о ш е в. Бухоронинг Россия билан элчилик муносабатлари.— Тошкент. 1957.—186.

Тўқимачилик хом ашёси-пахта, пилла ва шу сингарилар ҳам кам юборилар эди, Рус ва Сибирь бозорларида Бухоро сахтиён териси, сарик, оқ ва қизил гиламларда ҳамда Шарқнинг қимматбаҳо қуроллари ва тулунбасларига харидорлар кўп эди.

XVII асрнинг сўнгги чорагида рус савдогарлари Хитой билан бевосита алоқа боғлаганларига қадар, Ўрта Осиё савдогарлари Россия билан Хитой ўртасида воситачи бўлдилар. Эрондан келтириладиган транзит товарлар (шойи, ип-газламанинг баъзи турлари) Ўрта Осиёнинг Россия давлати билан савдо-сотиғида унча катта аҳамиятга эга эмас эди.

Ўрта Осиё савдо капиталининг даштлардаги кўчманчи хўжаликлар билан Сибирдаги рус шаҳарлари ўртасидаги воситачилигига алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Ўрта Осиё савдогарлари даштлик районлардан от, қорамол, қўй, эчки, туяларни Сибирь шаҳарларига олиб борар, шунингдек хунармандчилик буюмларини етказиб берар эдилар.

Россия давлатидан Бухорога рус товарлари ва Ғарбий Европа товарлари юборилар эди. Ўрта Осиё хонликлари металл ва металл ашёларга айникса мухтож эдилар. Улар бу товарларни Россия давлатидан олиб турардилар. Россия давлати катта эҳтиёж кўрилган қурол-яроғларни Ўрта Осиёга юборишни унча истамаса ҳам, талайгина миқдордаги қурол-яроғ Ўрта Осиёга етказиб берилар эди. Бундан ташқари, Россиядан Ўрта Осиёга қалайи, кумуш ва олтин тангалар юборилар эди.

Шундай қилиб, рус давлатининг Ўрта Осиё хонликлари билан муносабатларига доир фактлар ҳар иккала томоннинг савдо-сотиқ манфаатлари ва иқтисодий манфаатларига мос бўлиб тушганлигини кўрсатади. Ўрта Осиё хонликларининг Россия давлати сиёсатига ишончсиз қарашлари учун асос йўқ эди. Гарчи кейинроқ, XVIII асрда, яъни рус давлати шарқи-жанубда ҳужумкорлик сиёсатини ўтказган пайтда бундай муносабатлар вужудга келган эди.

XVIII асрда ўзаро урушлар ва феодал исёнлари кучайганлиги орқасида Ўрта Осиё оғир тангликка учради. Бу танглик Ўрта Осиёнинг бутун хўжалик ва маданий ҳаётини издан чиқарди. Танглик мамлакат хўжалик ҳаётининг ривожланишига имконият бермаган шарт-шароит ва феодаллар ўртасидаги урушларнинг тўхтовсиз давом этганлиги орқасида рўй берди. XVIII асрнинг йигирманчи йиллари бошида кўчманчи қабилалар (қозоқлар)нинг Ўрта Осиё хонликлари бостириб кириши феодализм дуч келган ана шу кризиснинг авж олишига таъсир кўрсатди.

Юқорида айтиб ўтилган ҳолатлар натижасида рўй берган кризис мамлакатдаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсишига ва Ўрта Осиё хонликларининг ички ҳамда ташқи бозорининг кенгайишига салбий таъсир кўрсатмай қолмади. XV асрда Ўрта Осиёнинг айрим районлари ўртасида бўлган султониқлик алоқалар ҳам энди изидан чиқди, феодал тарқоқлик, бошбошдоқликнинг авж олиши орқасида хонликларнинг ташқи савдосига ҳам путур етди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида кризис бартараф қилина бошлайди, кўчманчилар деҳқончиликка ўта бошлашлари ва феодалларнинг ўзаро урушлари бирмунча барҳам топганлиги орқасидан хўжаликнинг анча ривожланганлиги сезилади.

XVIII асрнинг сўнгги ўн йиллигида Бухоро ва Хивада суғориш ишларининг кенгайтирилганлиги деҳқончиликнинг ривожланганлигини исбот этади. Қозоқлар яшаган даштларнинг Россияга бўйсундирилиши натижасида савдо-сотик соҳасида жонланиш рўй берди, Ўрта Осиё билан чегарадош рус шаҳарлари ўртасида карвонлар қатнови яхшиланди, Россия билан Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги савдо обороти эса тез ўсди.

Ўрта Осиё хонликлари билан Россия ўртасидаги савдо-сотик муносабатларининг яхшиланганлиги ана шу хонликларнинг иқтисодий ҳаётига самарали таъсир кўрсатди.

XVIII асрдан бошлаб, металлургия саноатини ривожлантириш зарур бўлиб қолганлиги сабабли рус ҳукумати Ўрта Осиёдаги руда бойликларига, жумладан, Улуғтовдаги қалайи конларига зўр эътибор бера бошлайди. Ана шу қалайи конлари XVII асрдаёқ маълум эди. Рус ҳукумати Ўрта Осиёда олтин чиқадиган жойлар кўп эканлиги тўғрисидаги хабарларга айниқса қизиққан эди, XVIII асрнинг иккинчи ярмида Россиянинг Ўрта Осиё хонликлари билан иқтисодий алоқалари бирмунча яхшиланди ва Россиянинг Ўрта Осиёдаги иқтисодий манфаатлари анча ортди. Бунга сабаб шуки, XVIII асрнинг ўрталарига келганда, бир томондан, Россиянинг халқаро аҳволи яхшиланган эди, иккинчи томондан, XVIII асрнинг 70—80-йилларида Ўрта Осиё хонликларида феодал ғалаёнлари анча камайди, Бухоро амирлигида давлат ҳокимияти мустақамланди. Шу сабабли, Россиянинг Ўрта Осиё билан савдо-сотик қилиши учун яна қулай шарт-шароит вужудга келди. Бундан ташқари, Англиянинг Ўрта Осиёда рақобатчилик хавфини вужудга келтирганлиги Россия ҳукуматининг умуман Ўрта Осиёга ва хусусан Ўрта Осиё билан савдо-сотик қилишса қизиқиши янада оширди.

Йиллар	Россияга келтирилган (сўм ҳисобида)	Россиядан юборилгани (сўм ҳисобида)	1773-1777 йилларга нисбатдан товар оборотининг ўсиши (единица ҳисобидда)
1773-1777	214.794	216.136	1
1793-1797	1.547.069	1.579.445	8
1804-1807	2.071.564	987.974	7

1812-1815	4.071.564	3.582.881	19
1820-1823	5.381.155	3.763.705	23
1824-1827	5.759.252	4.389.705	25
1828-1831	6.267.414	5.889.646	30*

Юқорида айтилган сабабларга кўра, Екатерина II ҳукумати XVIII асрнинг 70-йиллари охиридан бошлаб хом ашё бозори ва Россиянинг саноат маҳсулотини сотиш бозори сифатида Ўрта Осиё билан савдо-сотик қилишга кўпроқ эътибор беради.

Ўрта Осиё билан савдо-сотик муаммоларига зўр эътибор билан қараш 1780 йилда таржимон Бекчуриннинг Бухорога юборилишида ўзининг яққол ифодасини топди. Бухорога юборилган элчининг асосий вазифаси- Россиянинг Бухоро билан савдо-сотик имкониятларини аниқлашдан ва Бухорода русларнинг савдо контораларини очишдан, шунингдек Бухорога олиб борадиган йўللарни текширишдан ва Бухоро хонлиги тўғрисида ҳар хил маълумотларни тўплашдан иборат эди.**

XVIII асрнинг охирига келганда, асосий савдо йўллари вужудга келди. Ана шу йиллар Россияни ўзбек хонликлари билан боғлади. Волга дарёси, Каспий денгизи ва Манғишлоқдан ўтган эски йўл билан бир қаторда иккинчи йўл очилди. Бу йўл Оренбург шаҳридан бошланиб, Тошкент орқали Бухорога ва Қўқонга ўтар эди, учинчи йўл эса, Семипалатинскдан бошланиб, қозоқ даштларини кесиб ўтар, Сарисув дарёси бўйлаб Тошкентга олиб келар эди. Ўрта Осиё забт этилишидан олдинги ўнларча йиллар мобайнида Оренбург-Тошкент йўли Россиядан Ўрта Осиёга олиб келадиган

** Ўзбекистон халқлари тарихи, том II, 212-бет 1947 йил.

асосий савдо йўли эди. XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошида Россиянинг Ўрта Осиё хонликлари билан савдо-сотиги қуйидаги маълумотлар билан характерланади:

1787 йилдан тортиб 1796 йилгача ўтган давр ичида Оренбург йўли орқали Хива ва Бухоро билан қилинган савдо-сотик фақат айирбошлаш характерида эди. Ана шу давр ичида Россиядан Бухорога 3.680,9 минг сўм товар юборилди, Бухородан эса 4.158,3 минг сўмлик товар келтирилди.

Шу давр ичида Россияга 413,2 минг сўмлик товар келтирилган бўлса, Россиядан 461,5 минг сўмлик товар чиқарилди. Қуйидаги маълумотлар айрим йилларда савдо-сотик ҳажми қандай бўлганлигини кўрсатиб беради:

Йиллар	Бухоро			
1787	379,1	341,2		
1788	198,9	177,0		
1789	493,1	443,8		
1790	365,2	340,9		
1791	407,6	420,8		
1792	381,5	305,2		
1793	479,1	440,8		
1794	407,5	366,7		
1795	501,9	426,7		
1796	498,5	411,8		

Чор ҳукумати Бухоро хонлиги устидан ўз протекторатини ўрнатгандан сўнг. Шарқ давлатлари билан бўладиган савдо алоқаларида Россия манфаатлари устунлигини таъминлаш чораларини кўрди. 1873 йил 23 сентябрда Бухоро амири Музаффархон ва Туркистон генерал-губернатори Кауфман ўртасида имзоланган шартноманинг 7-моддасида рус савдогарларига Бухоро худудидан кўшни давлатларга товарларни божсиз олиб ўтиш ҳуқуқини берди.¹²¹ Аммо Бухоро ҳукумати бу шартнома бандларига тўлиқ риоя қилмади. Хусусан транзит товарлардан бож олиниши рус савдогарларининг норозиликка сабаб бўлди. Бу ҳолатни бартараф этиш учун дасблаб Бухорода рус тижорат агентлиги, сўнгра 1894 йилда амирликнинг чегара пунктларида рус божхоналари ташкил қилишга қарор қилинди¹²². Бухоро амирлигини рус божхона тизимига киритиш тўғрисидаги қонун 1894 йил 6 июлда қабул қилиниб, расман ушбу йилнинг 15 ноябридан кучга кирди.¹²³

1895 йил бошларида Керки, Келиф, Чўчкагузар, Паттакесар ва Айванж божхоналари иш бошлади. 1895 йил 1 майда Панж дарёси бўйидаги божхона иш бошлади. Рус – афғон чегарасидаги савдони назорат қилиш 1895 йил 1 июлдан тўла кучга кирди ҳамда Ўрта Осиёдаги ташқи савдо устидан Россия империяси назорати узил-кесил ўрнатилди¹²⁴. Ўрта Осиёда мустамлака бошқарув тизимининг ўрнатилиши нафақат иқтисодий ҳаётга, балки савдо-сотик ривожига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Эндиликда Ўрта Осиё орқали чет эл билан олиб бориладиган транзит савдо алоқалари ва савдо

¹²¹ ЎзР МДА. 1-жамғарма. 12-рўйхат. 1775-иш. 108-варақнинг орқа томони-109 варақ..

¹²² Соколов А.Я. Торговая политика России в Средней Азии и развития русско-афганских торговых отношений.- Ташкент:Фан.1971.-С.172.

¹²³ ЎзР МДА. 1-жамғарма. 11-рўйхат. 1319-иш. 2-варақ.

¹²⁴ ЎзР МДА. 1-жамғарма. 11-рўйхат. 1319-иш. 2-варақ.

йўллари Россия ҳукмрон доираларининг буюк империячилик сиёсати манфаатларига хизмат қила бошлади. Афғонистон, Эрон, Кошғар, Ҳиндистон билан олиб бориладиган савдо-сотик бевосита империя манфаатларига бўйсундирилди.

Бухоро–Афғонистон чегарасининг Россия – Афғонистон чегарасига айлантирилиши, Амударё бўйлаб кечув ва божхона пунктларида Россия империяси назоратининг ўрнатилиши ҳам бевосита савдо йўлларининг унинг манфаатлари йўлида хизмат қилишига олиб келди. 1894 йилги ягона божхона тизимининг жорий этилиши амалда Бухоро амирлигининг Сурхон воҳаси бўйича савдо мустақиллигини тугатди, бу давлатлар орқали қўшни мамлакатларга чиқадиган савдо йўллари ҳам XX аср бошларига келиб тўлалигича Россия империяси ҳукумати тасарруфига ўтди, у бу худудлардаги истеъмол бозоридаги рақобатни унинг фойдасига ҳал қилди.

Сурхон воҳасида эркин рус савдосини ривожлантириш, бекликлар ихтиёридаги бозорларни ўз таъсирига олиш ҳамда инглиз саноати маҳсулотларини Шарқий Бухорога киритмаслик мақсадида рус ҳукумати Шарқий Бухоро ва Афғонистон бозорларига киритилаётган ҳар бир пуд рус саноат маҳсулоти учун рус савдогорларга 4 рубль 50 тийиндан 6 рубль 50 тийингача махсус мукофотлар белгилади..¹²⁵

Савдо тарихига назар соларканмиз, пахтачилик ривожига сабаб ташқи кўринишидан дағалроқ, аммо арзон ва пишиқ оқ бўз, чит, алача, зандана каби газламалар Волгадан тортиб Енисейгача бўлган ерларда сотилган.

1840 – 1849 йиллари Оренбургга Бухоро орқали қуйидаги миқдорда оқ бўз келтирилган.¹²⁶

¹²⁵ Логофет Д.И. Бухарское ханство под русским протекторатом. Т.І. – СПб., 1911. – С.16.

¹²⁶ ЗиёевХ. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида. – Тошкент: Шарқ 2006. – Б.273.

Йиллар	Газлама тўпининг сони	Газлама қиймати (сўм)
1840	125 695	49 650
1841	36 950	21 110
1842	18 790	9014
1843	14 192	6464
1844	3820	1874
1845	53 778	26 205
1846	31 591	4887
1847	27 375	10 896
1848	37 619	16 011
1849	49 810	20 388
Жами	399 620	176 503

Умуман Россия ҳукумати савдо-сотик ишларини ривожлантириш учун савдо йўллари масалаларини ҳал қилиш билан бирга савдо-сотик ишларини ташкил қилувчи идоралар фаолиятини йўлга қўйишга эътибор қаратди.

Бухоро амирлиги ҳудуди шаҳарларида савдо, транспорт ва суғурта идораларининг ташкил этилиши фикримиз исботидир. Бу идораларининг ташкил

этилиши натижасида савдо-сотик ишлари ривожланишига имконият туғилди, Россия савдо-саноат товарлари Бухоро ҳудудларига эркин кириб келишига шароит яратиш билан бирга бекликлар бозорлари Россия товарлари билан таъминлаб борилди. Шарқий Бухоро бекликлари Бухоро амирлиги махсус ёрлиғи асосида Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа мамлакатлар билан ҳам савдо-сотик ишларини олиб борган. Чунки Бухоро амирлигига савдо карвонлари катта миқдорда чой, дока, ҳарбий қурол-яроғлар, саноат молларининг асосий қисмини Термиз – Шеробод – Бойсун савдо йўли орқали қабул қилиб оларди. Биринчи жаҳон уруши йилларида Бухоро амирлиги кўшни мамлакатлардан ўртача ҳар йили 4267 минг сўмлик товарлар олиб келар, Бухородан кўшни мамлакатларга 4130 минг сўмлик товар экспорт қилинарди. Амирликнинг Биринчи жаҳон уруши арафасидаги савдо товар айланмаси 74 995 минг сўмни ташкил этган, шундан 39 610 минг сўмлик товарни четдан олиб келинган, 35 385 минг сўмлик товар чет элга чиқарилган.¹²⁷ Асосий савдо-сотик ишлари Россия билан олиб борилган, Россиянинг экспортдаги улуши 88 фоизни, импортдаги улуши эса 90 фоизни ташкил этган. Қисқаси, XIX аср охиридан Бухоронинг Россия билан савдо алоқалари анча ўсди.

Термиз орқали ташкил этилган божхона хизмати натижасида Россиянинг Шарқий Бухорога нисбатан истилочилик ҳаракати кучайди. Бухоро амирлиги ва Россия ўртасидаги савдо-сотик ишлари божхона туфайли тартибга солинди, оқибатда савдо-сотик бўйича Россиянинг бутун Бухоро амирлиги устидан назорати ўрнатилди. Иккала мамлакат ўртасида савдо воситасида товар алмашиши кучайиб, 1913 йили Россиядан Бухорога 35 млн рубллик, Бухородан Россияга эса 31 млн рубллик маҳсулот келтирилди.¹²⁸ Россия мустамлакаларидаги хомашё маҳсулотларини тезроқ ташиб кетиш билан ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни кўпроқ сотиш ҳамда Бухоро бозорларини тўлиқ эгаллаб олишга жиддий киришди. Туркистон иқтисодий

¹²⁷ Рабинский А. Царская Россия и Бухара в эпоху империализма // Историк-марксист. 1941. №4. – С.16.

¹²⁸ ЎзР МДА. 3-жамғарма. 2-рўйхат. 272-иш. 114-варак.

ҳолати билан шуғулланувчи А.Ремез маълумотларига кўра, 1869 йили 38 минг пуд ип-газлама Бухоро бозорларига киритилган, 1911 йилга келиб бу рақам 423 минг пудни ташкил этди.¹²⁹ Тадқиқот натижаларига кўра, Бухородаги йирик савдогорлар маҳаллий шароитни ҳисобга олиб рус саноатчиларидан кичик ва ўрта ҳажмдаги корхоналарни узоқ муддатли кредитларга сотиб олиб, миллий саноат шаклланишига имконият яратди. Бу эса маҳаллий хомашёни қайта ишлаш, ишлаб чиқилган маҳсулотга талабнинг анча ошишига имкон яратди.

Хуллас, Бухоро амирлигининг Россия ва бошқа чет эл давлатлари билан савдо алоқасининг кучайиши маҳаллий ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини қисқартириб юборди. Аммо ҳудуднинг жаҳон бозорига тортилиши айрим соҳалар ривожига туртки берди. Хусусан, гилам тўқиш, қорақўл тери тайёрлаш каби ҳунармандчилик тармоқларида тайёрланган маҳсулотлар ҳудуд аҳолиси эҳтиёжини қондирибгина қолмай, жаҳон бозорида ўз ҳудудларига эга бўла борди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, Бухоро хонлигининг узоқ ва яқин районларида ишлаб чиқариш ўз аҳамиятини йўқотмади, балки иқтисодиётдаги ўз ўрнини сақлаб келди. Буни Ўрта Осиёда ҳунармандчилик билан машғул кишилар сони 60 мингга яқинни ташкил этгани, шундан 25 минги Бухоро амирлиги ҳиссасига тўғри келганидан ҳам билиш мумкин.¹³⁰

Иккинчидан, савдо-сотикнинг ривожланиши саноат корхоналари пайдо бўлишига, банк бўлимларининг ташкил топишига олиб келди. 1917 йили Бухоро амирлигида давлат банк бўлиmidан ташқари, рус ва чет эл капиталининг етти хусусий банки, ташқи савдо учун Рус банки, Рус-Осиё банки, Москва ҳисоб-кредит банки, Сибирь савдо-сотик банки, Қўшма банк, Волга-Кама коммерция банки, Азов-Дон банки фаолият юритди.

¹²⁹ Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. – Ташкент, 1922. – С.55.

¹³⁰ Пословский Ю., Черданцев Н. Ўрта Осиё экономикаси райони. – Тошкент, 1922. – Б.59.

II. 2. Бухоро хонлигининг Шарқ давлатлари билан савдо алоқаларининг ўзига хос жиҳатлари..

Бухоро хонлигининг Шарқ давлатлари хусусан Ҳиндистон, Афғанистон билан сиёсий, иқтисодий алоқалари узоқ тарихга эга. Айниқса, Ҳиндистон билан савдо алоқалари Шайбонийлар давридаёқ анча ривож топган эди. Буюк Мўғуллар сулоласидан бўлган Ҳиндистон императори Акбар (1556—1605 йиллар) Бухоро хонлиги билан дўстона муносабатни мустаҳкамлаш мақсадида Бухорога ўз элчисини юборди. Элчи ўзбек хони Абдуллахонга совға ва хат олиб келди, Абдуллахон ҳинд элчисини тантанали суратда қабул қилди ва 1572 йилда ватанига қайтиб кетаётганда Ҳиндистонга Бухоро хонлигининг элчисини қўшиб юборди. XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухоро хонлиги билан Ҳиндистон давлати бир-бирларига тез-тез элчи юбориб турди. Масалан, 1577, 1586, 1591 йилларда Бухородан Ҳиндистонга элчи юборилди. Уларни юборишдан мақсад икки давлат ўртасидаги ҳар қандай жанжалли масалаларни бартараф қилиш ва дўстона муносабатлар ўрнатиш, иқтисодий ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш эди.

Бухоро элчилари Ҳиндистонга бир неча бор келиб-кетгандан кейин, Ҳиндистон императори Акбар 1577 йилда Бухоро хони Абдуллахон хузурига Мирза Пўлат ва 1586 йилда Ҳаким Хумом бошчилигидаги ўз элчиларини юборди. Бу воқеанинг гувоҳи бўлган Франсуа Берньенинг хабар беришича, 1658 йилда Ҳиндистон подшоси Аурангзебнинг тахтга чиқиши муносабати билан уни табриқлаш учун Бухоро хони Ҳиндистонга элчи юборди. Бу элчилар орасида Самарқанд ва Балх ҳокимларининг элчилари ҳам бор эди. Элчилар ҳинд давлати пойтахти Дехлида тўрт ойдан ошиқроқ бўлдилар. «Элчилар дейди Франсуа Бернье, зангори тошлардан ясалган, сараланган сандиқча, жуни узун туя, жуда ҳам ажойиб отлар, бир неча туяда юк, ҳўл ва қурук мева олиб келдилар. Дехлидан Бухоро элчиларини катта иззат-эҳтиром билан

кузатдилар, подшоҳ ҳамма амирларнинг иштирокида элчиларнинг ҳар бирига қимматбаҳо сарпо тухфа қилди ва уларнинг ҳар бири уйига саккиз минг рупиядан пул олиб боришни топширди. Бундан ташқари, подшоҳ элчилардан хонга атаб чиройли сарпо, моҳирлик билан тикилган жуда кўп қиммат баҳо ва нафис зарбоб тўнлар, тилла ва кумуш тасмали жуда нозик шойи газламалар, бир нечта гилам ҳамда қиммат баҳо тошлар билан безатилган иккита ханжар бериб юборди.

Ҳиндистон билан Ўрта Осиё ўртасидаги иқтисодий алоқа Буюк мўғуллар империяси даврида айниқса жонланиб кетди Ҳиндистон императори Аурангзеб 1680 йилда Бухорога ўз элчисини юборди. Бу элчи Бухоро хони Субхонқулихонга Аврангзебдан мактуб келтирди. Субхонқулихон ҳинд элчисини тантанали суратда қабул қилди, ва ундан император Аурангзеб номига жавоб юборди. Ўша вақтларда Ҳиндистонда Ўрта- Осиё қиммат баҳо тошлар, дур, уқа билан тикилган кимхоб ва бошқа қимматли матолар, уқа, бўёқлар, Кашмир рўмоли, чой ва ҳоказолар олиб келишар, Бухородан эса Ҳиндистонга асосан ипакдан тикилган дастурхонлар, ипак кашталар, мовут, ип газлама, гилам ва мўйна олиб бориладди. XVII асрнинг иккинчи ярмида Ҳиндистонда бўлган сайёҳ Франсуа Бернье шундай деб ёзган эди: «Ҳиндистонда жуда катта мева бозори бор. Бозорда дўконлар кўп бўлиб, ёз вақтида, одатда, бу дўконларда Эрондан, Балхдан, Бухоро ва Самарқанддан келтирилган қуруқ мевалар кўп сотиларди. Ҳиндистонда отга эҳтиёж катта эди. Маълумки, Ҳиндистон Бухоро хонлигидан ҳар йили 25 мингдан ошиқ от сотиб оларди.

Ҳинд савдогарлари Бухорога бир оз вақтгагина келиб кетмасдан, балки Бухоро, Самарқанд ва Хивада узоқ вақт ҳам яшаб қолардилар. XVII—XVIII асрларда Бухорода ҳиндлар яшайдиган бир маҳалла бўлиб, ўз оқсоқоллари томонидан бошқарилган. Ўрта Осиё, шу жумладан Наманган, Андижои, Бухоро ва Самарқандда яшайдиган ҳиндлар сони XIX асрнинг биринчи ярмида яна ҳам ошиб кетди. 1820 йилларда Бухорода 250 тага яқин ҳинд яшарди. Буларнинг 200 таси Шикарпурдан,

50 таси Панжобнинг Синд, Мултон ва бошқа областларидан эди. Бухоро амирлигининг Афғонистон ва Ҳиндистон билан савдо алоқаларида Термиз ва Шеробод шаҳарлари муҳим ўрин тутган. Бу шаҳарларда четдан олиб келинган маҳсулотлар йиғилиб, кейин амирликнинг бошқа худудларига тарқатилган. Шимолий Афғонистон, хусусан, Чорвилоят Бухоро амирлиги билан савдода муҳим ўрин тутган. Бу ерда афғон маҳсулотлари билан бирга инглиз ва ҳинд молларини ҳам харид қилиш мумкин эди.¹³¹

Ҳар йили Келиф ва Шеробод орқали Афғонистондан -Бухорога 6 мингдан ортиқ туяларда турли хил маҳсулотлар олиб келинган.¹³² Сурхон воҳасининг асосий савдо марказлардан бири Денов бўлиб, бу ерга темир, чўян, пўлат буюмлар, мовут, чарм-тери ва ип-газламалар келтирилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек. Бухоро амирлигининг Ҳиндистон билан савдосида Сурхон воҳаси муҳим ўрин тутган. 1886 йили Ҳиндистондан 8 мингдан ортиқ туяларда 100 минг пуд ҳар хил турдаги моллар Бухорога олиб келинган. Ҳисоб-китобларга қараганда, бу маҳсулотларнинг умумий нархи 5 млн 475 минг сўмни ташкил этган, Бухородан Ҳиндистонга 427 минг сўмлик маҳсулот экспорт қилинган.¹³³

Бухоро – Ҳиндистон савдосида чой муҳим ўрин тутган, чой нафақат Ҳиндистондан, балки Хитойдан ҳам экспорт қилинган. 1891 – 1892 йиллари экспорт қилинган маҳсулот қуйидаги жадвалда ўз аксини топган.¹³⁴

¹³¹ ЎзР МДА. 1-жамғарма. 34-рўйхат. 675-иш. 114-варақ.

¹³² ЎзР МДА. 126-жамғарма. 1-рўйхат. 1029-иш. 1-варақ.

¹³³ ЎзР МДА. 1-жамғарма. 11-рўйхат. 504-иш. 3-варақ

¹³⁴ Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. – Ташкент, 1922. – С.16.

